جديد

Tilda, fikrda, ishda birlik!

Jadid

2024-yil 4-oktyabr
№ 41(41)
www.jadid-media.uz

adabiy, ilmiy-ma’rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta

“АБАДИЙ ЯШАМОҚ, КУЛМОҚ ИСТАЙМАН...”



“...Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек ҳамда Зарифа Саидносированинг фарзандлари – Омонбек, Бекжон, Гулранг, Суюнбек шу уйда камолга етди. Оиланинг яхши-ёмон кунларига гувоҳ бўлган мазкур хонадон адиб таваллудининг 75 йиллиги муносабати билан 1980 йилда уй-музейга айлантирилган. Аввало, Зарифа Саидносированинг ҳиммати ва жасоратига таҳсин айтмоқ лозим...”

(7-саҳифада ўқинг).

СИЁСИЙ ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИНИ ЁД ЭТИШ ҲАФТАЛИГИ



Мустабид тузум томонидан собиқ иттифоқда, хусусан, Ўзбекистонда амалга оширилган қатағон сиёсати шу вақтгача инсоният тарихида содир этилган қатлиомнинг энг даҳшатлисидир. Миллионлаб фуқароларнинг қириб ташланиши ва турли азоб-уқубатларга гирифтор этилиши, мамлакатда қўрқув, таъқиб ва тазйиқ муҳитининг қарор топишига сабаб бўлган давлат миқёсидаги жиноятдир.

ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ

ва тарихий адолатнинг тикланиши

Совет давридаги маъмурий буйруқбозлик тизими манфаатларига бўйсундирилган тарихни сохталаштириш, нотўғри талқин этишга истиқлол йилларида барҳам берилди. “Халқ душмани”, “аксилинқилобчи”, “миллатчи”, “қулоқ” сифатида қораланиб, қатағон этилган ватандошларимизнинг пок номлари оқланди. Тарихий ҳақиқат ва адолатни тиклаш бўйича олиб борилган ишлар, энг аввало, ҳуррият йўлида жон фидо этган ватандошларимиз хотирасини абадийлаштиришга қаратилди.

1999 йил 12 майда 22 кишидан иборат Мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш комиссияси тузилиб, пойтахтимизда “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуаси барпо этилди.

(Давоми 4-саҳифада).

МУНОСАБАТ

“ЎҚИТУВЧИЛИК КАСБЛАР ОРАСИДА ЭНГ УЛУҒИДИР”

Мамлакат ижтимоий-маънавий ҳаётидаги ўзгаришларнинг, энг аввало, таълим соҳасида кўзга ташланаётгани сир эмас. Ўқитувчисини қадрлаган миллатнинг келажак ҳаёти фаровон бўлади. Биз, мўйсафид олим ва муаллимлар яқин тарих воқелигига гувоҳмиз, у даврлар билан бугунги кун янгиликларини таққослаб, Янги Ўзбекистонда кечаётган ҳозирги кунимизга шукроналар айтамиз. Зеро, кейинги йилларда юртимизда заҳматкаш муаллимлар, фидойи мураббийларнинг ҳурматини жойига қўйиш, уларнинг фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда.

Бу эътиборни яқинда бўлиб ўтган “Ўқитувчи ва мураббийлар куни” байрамида яна бир бор юрак-юракдан ҳис этиб, қалбимиз қувонч ва ғурурга тўлди. Шу муносабат билан ўтказилган анжуманда муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев таълим-тарбия соҳасида фидокорона ишлаб келаётган педагогларни қутлуғ касб байрами билан муборакбод этар экан, биз ўтмишда ҳам, бугун ҳам устозни отадек улуғ деб билган, уни ҳамиша эъзозлаган буюк, маърифатпарвар халқнинг авлодлари эканимизга алоҳида урғу берди. Шунингдек, ҳаётда ҳар бир эзгулик, ҳар бир кашфиёт ва ютуқнинг замирида ўқитувчининг меҳнати, бардоши ва меҳр-муҳаббати мужассам экани хусусида сўзлаганларида, тўғриси, беҳад мамнун бўлдим.


(Давоми 2-саҳифада).



МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ

“МИЛЛИЙ ИТТИҲОД”ЧИ МАҲМУДХОН АҲМАДХОНОВ

Халқимиз озодлиги, ҳақиқат ва адолат йўлида ўз жонини қурбон қилган миллат фидойиларини номма-ном аниқлаш, уларнинг ҳаёти, фаолияти, фожиали тақдири ҳақида юртдошларимизга маълумот бериш фаолиятимиз мазмунига айланиб улгурган. Қисмат ҳикояси архив ҳужжатлари қатида ўз тадқиқотчиларини кутиб ётган қатлиом қурбонлари бўлган юртдошларимиздан бири Маҳмудхон Аҳмадхоновдир.



Выписка из протокола № 13-м
Особого Совещания при Народном Комиссаре Внутренних Дел СССР
от 20 февраля 3 1943 г.

СЛУШАЛИ: 278. Дело № 2951/НКВД Узбек. ССР, по обв. АХМЕДХАНОВА Махмудхана-1896 г.р., урож. гор. Коканда, узбек, гр-н СССР.

ПОСТАНОВИЛИ: АХМЕДХАНОВА Махмудхана, за ветскую агитацию заключить превентивно-трудовой лагерь ком на ДЕСЯТЬ лет, считая с 20 апреля 1942 года.

Узбек.ССР – Ухтижемлаг №-8/9151 от 3.III.43 г.

Нач. Секретариата Особого Совещания при Народном Комиссаре Внутренних Дел СССР

Маҳмудхон Аҳмадхоновга ўқилган ҳукм.

Маҳмудхон Аҳмадхонов 1896 йилда Қўқон шаҳрида, савдогар оиласида таваллуд топган. Маълумоти ўрта, аввал 4 йиллик, сўнгра рус-тузем мактабида таҳсил олган. 1917 йилдан Қўқон шаҳар мусулмон меҳнаткашлар совети котиби, 1918 йилда Қўқон шаҳар кутубхонаси мудири, 1919 йилда Қўқон уезд-шаҳар совети шўъбасида иш юритувчи, 1919-1920 йилларда Қўқон шаҳар революцион комитети раиси, 1921-1922 йилларда Фарғона области халқ хўжалиги кенгаши раиси ўринбосари, 1922-1923 йилларда Қўқон уезд-шаҳар революцион комитет раиси, 1923 йилнинг 6 ойи давомида область милицияси бошлиғи ўринбосари лавозимларида фаолият кўрсатган. 1924–1927 йилларда Фарғона область халқ таълими бошқармаси бошлиғи, 1927 йилдан 1929 йилга қадар Ўзбек давлат нашриётининг Фарғона области бўлими бошлиғи вазифасида ишлаган.

(Давоми 5-саҳифада).

ЭЪТИРОФ

“Кунчиқар юрт”, “Самурайлар юрти”, “Сўғунлар мамлакати” каби қадим таърифларга ўтган аср адоғида яна бир қатор сифатлашлар қўшилди: “Нокиа”, “Хонда”, “Ниссан”... Айни шу юрт олимлари дунё тараққиётини қисқа даврда бир неча аср илгарилатиб юборган энг юқори технологияларни кашф этишди.

КУНЧИҚАРГА ЕТАКЛАГАН ИЛМ

Япония салоҳияти билан забт этаётган Зокировлар

Гап Япония ҳақида кетаётганини англадингиз. Бир қарашда қуруқликда бирорта давлат билан қўшни бўлмаган, логистикаси фақат осмону сувдан иборат, Европаю АҚШ ва дунёнинг бошқа илғор давлатларидан неча минг чақирим йироқда жойлашган орол давлатнинг бу қадар тезкор тараққий топиши эртакка ўхшайди.

Японлар илм-фанни тараққиёт мезони сифатида белгилашдики, бу жаҳон тарихида ягона фожиа – ҳудудида бир эмас иккита ваҳшатли атом бомбаси портлаган миллатни синдира олмагани бир ёғу уларни яна қудратлироқ қилишда бирлаштиргани бир ёқ бўлди.

Бугун илғор технологиялар, мактаб таълими, мутолаа маданияти борасида “япон тажрибаси” дунёнинг кўпгина давлатларида ўрганиляпти. Фақат ўрганилиб қолмасдан, улардан ибрат ҳам олинмоқда.

Меҳмондўст, бағрикенг, ғоятда меҳнаткаш япон халқининг яна бир тажрибаси – илми, иқтидори, салоҳияти бор инсонларни ҳар томонлама қўллаш, рағбатлантириш, уларга керакли шарт-шароитларни яратиб беришда кўринади. Мисол дейсизми, мана!

Хоразмнинг чекка Ҳазорасп туманида туғилган тўрт ака-ука Зокировлар кунчиқар юртда ўқиб, ишлаб, тадбиркорлик билан шуғулланиб, келажагини ўзлари яратаётган юртдошларимиздан.

Оиланинг тўнғич фарзанди Шерзод Нагоя университетини тугатгач, иқтидори боис нуфузли “UHIQLO” компаниясига ишга қабул қилинган.

(Давоми 3-саҳифада).

ТАДҚИҚОТ

АФҒОНИСТОН НАВОИЙШУНОСЛИГИ

ёки 1001 бино – Навоийнинг нияти


Жаҳон халқлари адабиётида буюк тафаккур соҳиби сифатида майдонга чиққан адиблар ўзи туғилиб вояга етган заминни ҳам тарих саҳифасига муҳрлайдилар. Ижодкорни камолотга етказган муҳит, тузум, шароит шахс билан бирга ўрганилар экан, ўз даври ва кейинги замонларда ҳам улар қолдирган меросни сақлаш, ўрганиш, ижодий анъаналарини давом эттириш масъулияти ўша халқ, миллат зиммасига катта вазифа юклайди.

Дунё адабиётшунослигида буюк ўзбек шоири ва давлат арбоби Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига бўлган қизиқиш бемисл даражада. Алишер Навоий асарларида акс этган юксак тафаккур ва бадиий маҳорат туркий халқлар адабиётини ҳам халқаро майдонга кўтарди. Бугунги кунда Афғонистон давлати ҳудудида яшаётган ўзбек қавмлари адабиёти тарихи, Алишер Навоий асарларининг манбалари, шоирнинг бунёдкорлик фаолиятини ҳам кенгроқ ўрганиш зарур. Хусусан, XV асрда Алишер Навоийнинг ҳозирги Афғонистон ҳудудида олиб борган кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари ҳақидаги манбаларни тугал тадқиқ қилиш лозим.

(Давоми 7-саҳифада).



“ЎҚИТУВЧИЛИК КАСБЛАР ОРАСИДА ЭНГ УЛУҒИДИР”





Оқил САЛИМОВ, академик

Бошланиши 1-саҳифада.

Ҳурматли Президентимизнинг “Таълим – соҳалар ичида энг долзарби, мактаб – энг муҳими бўлса, ўқитувчилик касблар орасида энг улуғидир”, деган фикрларидан ҳамон тўлқинланиб ўтирибман.

Хусусан, “Шахсан мен ўқитувчи деганда – ўзим учун азиз ва қадрли бўлган зотларни, юз-кўзидан нур ёғилиб турадиган мўътабар инсонларни тасаввур қиламан. Самимий ва меҳрибон, шу билан бирга, талабчан устозларимни, уларнинг дарслари, ҳаётий сабоқларини ҳамиша соғинаман. Жамиятимиздаги энг жонкуяр, ватанпарвар, халқпарвар инсонлар, замонамизнинг энг илғор кишилари – бу аввало, устоз ва муаллимлардир. Шу сабабли халқимиз ўзининг энг катта бойлигини – фарзандлари тарбиясини сизларга ишониб топширади. Ҳаёт маъноси, ўзгаришлар мазмунини чуқур англаб, бошқаларга тушунтирадиган, одамларни эзгуликка, янги марраларга руҳлантирадиган ҳам сиз, муҳтарам устозлардир”, деган дил сўзлари барча устоз ва мураббийларга куч-қувват бағишлайди, албатта.

БУНЁДКОР АВЛОД ТАРБИЯЧИЛАРИ

Республика Президенти устоз ва мураббийлар инсонларни эзгулик ва янги марралар сари бошлашини алоҳида таъкидлади: “Барчамиз яхши биламиз, инсоннинг онги, дунёқараши ўзгармаса, жамият ўзгармайди. Жамият ўзгармаса, тараққиёт ҳам бўлмайди. Лекин одамларнинг тафаккурини, шу асосда бутун жамиятни ким ўзгартира олади?

Янги Ўзбекистоннинг янги Берунийлари, янги Хоразмийлари, ибн Синолари, Фарғонийларини ким камолга етказади? Албатта, бундай эзгу ва улуғвор вазифани, том маънодаги тарихий миссияни адо этишга фақат сиз – устоз ва мураббийлар қодирсиз. Бугун азамат ёшларимиз жаҳон майдонларида ўз кучи ва билими, истеъдоди билан улкан марраларни қўлга киритаётганини кўриб, қувониб турибмиз. Бу ғалабалар, аввало, устоз-мураббийларнинг фидокорона меҳнати самараси, десак, тўғри бўлади. Шу боис сизларнинг шаънингизга, муҳтарам устозларимиз шаънига қанча яхши гапларни айтсак, гўзал таърифлар билдирсак, қандай эзгу тилакларни йўлласак, ўйлайманки, бу ҳам адолатли ҳақиқат бўлади”.

Мен Президентимиз нутқини тинглаганимда кўпинча юқорида тилга олинган “адолат” ва “ҳақиқат” сўзларига зеҳн соламан. Чунки инсон боласи табиатан ҳамиша айни шу икки тушунчага эҳтиёж сезади. Жамиятдаги энг адолатли, ҳақгўй, холисназар, фидойи, ташаббускор инсонларни ҳам ўқитувчилар тарбиялаб вояга етказади. Давлатимиз раҳбари бу ҳақиқатни очиқ айтганида йиғилиш аҳлининг барчаси ҳаяжонга тушгани ҳам ҳақиқатдир.

Аслида устоз ва мураббийлар меҳнатининг улуғланиши, уларга нисбатан эътибор кўрсатилиши нафақат шу соҳа ходимларини, балки барчамизни қувонтирди. Ўзбекистоннинг дунё мамлакатлари орасида ҳар жиҳатдан юксак бир мақомга эга бўлишини ва юртимиз ҳар соҳада жаҳоннинг энг илғор давлатлари қаторида туришини ҳар биримиз чин кўнгилдан хоҳлаймиз. Бу эзгу ният жадид боболаримизнинг ҳам орзуси эди. Шу боис улар, энг аввало, мактабларда ислоҳотларни амалга оширишди. Ёшларнинг руҳий-маънавий тарбияси йўлида жон фидо қилишди. Тарбия ва мактаблар ислоҳотига бугун ҳам энг муҳим, ҳаёт-мамот масаласи сифатида қаралмоқда. Маърузада алоҳида таъкидланганидек: “Бош мақсади янги замон кишисини, Янги Ўзбекистон ёшларини тарбиялаш бўлган таълим ва тарбия соҳаси учун бу вазифа алоҳида аҳамият касб этади. Ватан ва халқ манфаати учун мардона курашадиган, фаол фуқаролик позициясига эга, билимли ва бунёдкор авлодни ким тарбиялайди? Албатта, сизлар – заҳматкаш ва жонкуяр устозлар. Бунинг учун, аввало, ўқитувчининг ўзи ҳуқуқий, ижтимоий ва молиявий томондан ҳимоя қилинган ва етарли таъминланган бўлиши керак. Шундагина у ўзининг чинакам инсоний ва касбий фазилатларини амалда намоён қила олади”. Жадид боболаримизнинг эзгу ниятлари, орзулари шу йўсинда, бизнинг кўз ўнгимизда ҳаётий ҳақиқатга айланаётганига бугун барчамиз гувоҳмиз, азизлар!

МУАММО ВА МАСЪУЛИЯТ

Муаллимлик – ниҳоятда заҳматли, машаққатли касб. Буни айни соҳада ишлаган ва шу касб нонини еб кўрган инсонгина чиқур англайди. Мен давлатимиз раҳбари меҳнат фаолиятини дастлаб ўқитувчиликдан бошлаганини жуда яхши хотирлайман. Шу боис бу соҳанинг жуда кўп ижобий қирраларини ҳам, муаммоли жиҳатларини ҳам яхши биладилар. Мана саккиз йилдирки, таълим билан боғлиқ бирон бир масала у кишининг эътиборидан четда қолгани йўқ. Таълим тизимидаги оғриқли нуқталарни бутун вужуди билан ҳис этгани учун ҳам Президент қуйидаги фикрларни баён қилди: “Янгиланган Конституциямизда дунёдаги мўътабар шахс – ўқитувчи мақомини алоҳида мустаҳкамлаш, бу касбни жамиятдаги энг обрўли ишга айлантириш менинг неча йиллик орзуйим, керак бўлса, армоним эди. Чунки ўзим ҳам кўп йиллар шу соҳада ишлаганман. Ўқитувчи меҳнати қанчалик оғир ва машаққатли эканини яхши биламан. Афсуски, ана шундай шарафли ва олижаноб касб эгаларига биз яқин ўтмишда етарлича ҳурмат ва эътибор қарата олмадик. Яна бир бор айтаман: қанча ислоҳот қилмайлик, биринчи навбатда ўқитувчининг билими ва касб маҳоратини оширмас эканмиз, сифатли таълимни таъминлай олмаймиз. Бу – айни ҳақиқат. Афсуски, бугунги кунда, давлат таълим муассасаларида 46 минг нафар (7 фоиз), хусусий ташкилотларда эса 38 минг нафар педагог 5 йил давомида малака оширмаган.

Бу йил аттестация жараёнлари шаффоф бўлиши учун сунъий интеллект ва рақамли технологиялар қўлланди. Натижада 198 минг ўқитувчидан 21 минг нафари (10 фоиз) малака бўйича етарли балл тўплай олмади. Афсуски, бундай ҳолатлар ўқувчиларнинг билимига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Жорий йил битирувчиларнинг 130 минг нафари (30 фоизи) олий таълим даргоҳларига киришда энг паст – 57 балл ҳам тўплай олмаган. Бу барчамизни ташвишга солиши керак”.

Албатта, ушбу гаплар аччиқ, лекин айни ҳақиқатдир. Ушбу муаммолар барча зиёлилар зиммасига ўта масъулиятли вазифаларни юклайди. Чунки улуғ маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний айтганидек, таълим-тарбия иши “ё ҳаёт, ё мамот масаласидир”.

“ЙИЛ ЎҚИТУВЧИСИ” – ШАРАФЛИ МАРРА

Халқнинг дарди, унинг келажаги билан яшайдиган давлат раҳбарининг ўз орзуси, мақсадлари бўлади. Президент Шавкат Мирзиёевнинг ҳам таълим тизимини ривожлантириш борасида ўз орзулари, мақсадлари бор. Йиғилишда шулар ҳақида ҳам сўз борди: “Шахсан мен кўпдан буён “Устозга эҳтиром” номли катта бир китоб яратилиб, маънавий ҳаётимизда жиддий воқеа бўлишини орзу қиламан. Таъкидлаш керакки, юксак маҳоратли, жонкуяр ва талабчан ўқитувчилар – булар ҳам халқнинг, миллатнинг ноёб бойлиги. Уларнинг ҳар бири такрорланмас шахс. Уларнинг машаққатли, масъулиятли меҳнати энг юксак баҳо ва рағбатга муносиб. Шу боис “Йил ўқитувчиси” танлови ўтказилиб, 208 та туман ва шаҳардан ғолиб бўлган ўқитувчиларга Президент совғаси сифатида уй-жой берилади”. Ўқитувчи хизматининг ҳам маънавий, ҳам моддий томондан қўллаб-қувватланишининг амалдаги исботини мана шу эътибордан ҳам англаш қийин эмас.

ЯНГИ БОСҚИЧ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Давлатимиз раҳбари мазкур йиғилишда мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасини янада ривожлантириш, ўқитувчи ва мураббийларнинг малакасини ошириш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича бир қатор устувор вазифалар белгилаб бердилар.

Биринчи йўналиш. Абдулла Авлоний номидаги институт педагогларнинг касб маҳоратини оширишга масъул бўлади. Институтнинг 12 та ҳудудий марказини замонавий қиёфага келтириш ва жиҳозлаш учун яқин 3 йилда бюджетдан ҳар йили 50 миллиард сўм ажратилади. Малака оширишда вазирлик – малака ошириш маркази – мактаб ва боғчани боғлайдиган вертикал тизим йўлга қўйилади. Бундан ташқари, жойларда 1 300 та таянч мактаб ва 200 та боғча танлаб олиниб, ёш педагоглар учун “Касбий ривожланиш куни” ва “Касбий ривожланиш соати” ташкил этилади. Бунинг учун етакчи ўқитувчиларнинг иш ҳақига 20 фоиз устама қўшилади.

Иккинчи йўналиш. Муаллимларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳнатини рағбатлантириш ишлари келгусида ҳам изчил давом эттирилади. Янаги ўқув йилидан халқаро стандартлар асосида малака сертификатини бериш йўлга қўйилади. Синовларда 86 ва ундан юқори балл тўплаган педагогларга қўшимча 70 фоиз устама тўланади.

Ҳар йили санаторий ва дам олиш масканларига юбориладиган ўқитувчилар сони 2 баробар оширилади.

Бир йил олдин мактаб директорларини ўқитиш тизими жорий этилган эди. Натижада бугунги кунда уларнинг 1 206 нафари менежерлик сертификатига эга бўлди. Ҳозир ана шу директорларга ўртача 3 миллион сўмдан устама берилмоқда. Энди бу амалиёт 2025 йил 1 сентябрдан боғча мудираларига ҳам татбиқ этилади ва уларга ҳар ойда 30 фоизгача қўшимча устама тўланади.

Билимдон ва жонкуяр ўқитувчилар халқнинг ноёб бойлиги эканлиги таъкидланиб, улар ҳақида “Устозга эҳтиром” номли китоб ва фильмлар яратиш зарурлиги ҳам қайд этилди.

Учинчи йўналиш. Аҳоли ўсиши туфайли йилига мактабларда 120 мингта, боғчаларда 30 мингта қўшимча ўринга талаб юзага келмоқда. Келгуси йили давлат бюджетидан ажратиладиган 3 триллион 200 миллиард сўм ҳисобидан 375 та мактаб ва 97 та боғча реконструкция қилинади ва янгилари қурилади.

Бундан ташқари, Ислом тараққиёт банки ва ОПЕК жамғармасининг 50 миллион доллар маблағи доирасида келгуси 4 йилда 200 та хусусий боғча қурилиб, янги 30 мингта ўрин яратилади.

Янги йилдан бошлаб хусусий секторда ўқувчи ўринларини кўпайтириш учун мактаб очадиган тадбиркорларга 20 миллиард сўмгача кредит ажратилади. Кредит фоизининг асосий ставкадан 1,5 баробар ошган қисми бюджетдан қопланади. Шунингдек, янги қуриладиган хусусий мактаб бинолари учун коммунал харажатларнинг 50 фоизи 5 йил муддатгача бюджетдан тўлаб берилади. Қолаверса, тадбиркорлар ўз ҳисобидан мактаб қурса, унга кетган харажатлар фойда солиғидан икки йил давомида тенг улушларда чегириб ташланади.

Тўртинчи йўналиш. Таълимда сифат ва рақобатни таъминлаш учун рақамлаштириш даражаси оширилади.

Ўтган 5 йилда 13 500 дан ортиқ синфхона 200 мингта замонавий компьютер билан таъминланди. Келгуси йили яна 2 мингдан зиёд компьютер синфлари янгиланади, бунга бюджетдан 400 миллиард сўм берилади. Ана шу компьютерларга электрон таълим контентлари юкланиб, болалар учун мустақил таълим олиш имконияти ошади. Ўқувчилар мураккаб концепцияларни осон ўзлаштириши учун аниқ ва табиий фанлар бўйича виртуал лабораториялар ташкил этилади. Янги ўқув йилидан бошлаб бундай лабораториялар ҳар бир вилоятда 10 тадан мактабда ташкил қилинади. Шунингдек, мактаб тизимида ўқитувчи ўз имконияти ва ютуқларини, янги ишланмаларини эълон қилиши учун ягона онлайн платформа яратилади.

Сингапурлик 16 нафар малакали эксперт юртимизда математика ва табиий фанлар ўқитувчиларининг касб маҳоратини оширади. Педагоглар бир йил давомида сунъий интеллектга асосланган таълим платформасида билимларини мунтазам синовдан ўтказади.

Хусусий боғчалардагидек, 6 800 та давлат боғчаларида ҳам давомат, тўловлар, озиқ-овқат харажатларини шакллантириш тўлиқ рақамлаштирилади.

Бешинчи йўналиш. Президент мактаблари ва ихтисослашган мактаблар тажрибаси оммалаштирилади.

Бу йўналишда яна мингта умумтаълим муассасасида Президент мактаблари ва ихтисослашган мактаблардаги баҳолаш тизимини жорий этиш бошланди. Ҳокимликларга уларнинг биносини таъмирлаш ва зарур даражада жиҳозлаш бўйича кўрсатмалар берилди. Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, олий таълим ва малака ошириш тизимида ягона узвий занжирни йўлга қўйиш учун педагогик таълим кластерлари ташкил қилинади. Улар тажриба-синов тариқасида дастлаб Андижон ва Бухоро шаҳарларида барпо этилади.

Олтинчи йўналиш. Иқтидорли ёшларни селекция қилиш тизими янги босқичга олиб чиқилади. Бунинг учун халқаро даражада фан олимпиадаларига тайёрлаш маркази ташкил этилади.

Рағбатлантириладиган халқаро фан олимпиадалари сони 18 тадан 22 тага етказилади. Бунда нуфузли халқаро олимпиадада олтин медаль олган ўқувчига 170 миллион сўм, кумуш медаль учун 102 миллион сўм, бронза учун 68 миллион сўм мукофот пули берилади. Шу билан бирга, ана шу ўқувчиларнинг устозлари 50 миллиондан 150 миллион сўмгача мул мукофоти билан тақдирланиб, уларга бир йилда 100 фоизлик устама олиш имкони яратилади. Илк бор халқаро фан олимпиадаларида ғолиб бўлган ўқувчилар жамоасининг раҳбарларини ҳам рағбатлантириш тизими йўлга қўйилади.

Президент педагогика йўналишида таҳсил олаётган иқтидорли талабалар учун Абдулла Авлоний номидаги стипендияни ташкил этиш ташаббусини билдирди.

Еттинчи йўналишда таълимнинг ажралмас қисми бўлган тарбия ва одоб-ахлоқ масалаларига эътибор қаратилди. Шу мақсадда Қори Ниёзий номидаги Тарбия педагогикаси миллий институти янгидан ташкил этилди.

Ҳозирги пайтда ёшларда ғоявий иммунитетни шакллантириш, ота-оналар, ўқитувчи ва ўқувчилар учун тарбияга оид рақамли контентлар яратиш муҳимлиги таъкидланди. Шунингдек, бу борада театр ва кино санъатидан фойдаланиш, ёшлар ижодини қўллаб-қувватлаш, улар орасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, китобхонликни янада кенгайтириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ

Мулоқот давомида олий ўқув юртларининг ректорлари ҳам олийгоҳларни ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан профессор-ўқитувчилар учун сиҳатгоҳ йўлланмалари сонини 50 фоизга оширишлари лозимлиги айтилди. “Мен қизиқиб кўрдим, мактаб директори, унинг бошқарувчилик маҳорати ҳақида бизда муҳим қўлланма бўладиган китоблар йўқ экан. Ваҳоланки, юртимизда таълим ва тарбиянинг тақдири ана шу инсонлар фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Директорлик қанчалик мураккаб вазифа эканини баъзи ота-оналар билмайди ҳам. Чунки тарғибот кам. Бунинг ўрнига шу пайтгача мактаб директорларини фақат мажлисга чақириб, уларга ҳар хил вазифаларни юклаб келдик”. Президентнинг бу гапи мактабни, муаллимни ва айни дамда мактаб раҳбари бўлган директорлар меҳнатини нақадар чуқур билишини кўрсатади, албатта. Йил давомида тинимсиз машаққатли меҳнатлари эвазига уларнинг ўз вақтида дам олишлари учун имконият ва шарт-шароит яратилиши, уларнинг меҳнати қадрланиши лозим.

Бундан буён Республика Маънавият ва маърифат маркази тегишли мутахассисларни жалб этган ҳолда, мактаб директорлари ҳақида ана шундай китоб (қўлланма) тайёрлайдиган бўлди.

Қори Ниёзий номидаги Тарбия педагогикаси миллий институти эндиликда тарбия соҳасидаги миллий анъаналарни ўрганиш, қайта тиклаш ва замонавий маънавий-ахлоқий тарбия тизимини жорий қилиш йўналишидаги фаолиятини янада кучайтириши зарур.

“Ҳеч кимга сир эмас, бугунги кунда тарбия соҳасида илгари кўрилмаган жиддий хавф-хатарларга дуч келмоқдамиз. Такрор айтишга тўғри келади: ёшларни ота-она, муаллимлар эмас, кўпроқ ижтимоий тармоқлар, турли гаджетлар, қўл телефонлари тарбияламоқда. Оқибатда айрим ўғил-қизларимиз салбий таъсирлар тузоғига тушиб қолмоқда. Бу борада вазиятни ўнглаш учун ёшларимизда ғоявий иммунитетни шакллантиришда катталар ҳам ижтимоий тармоқларда фаол бўлиши, болаларимизга ижобий таъсир кўрсатишлари зарур”. Президент таъкидлаган бу йўналиш ёшларнинг соғлом ҳаёт тарзи учун ниҳоятда муҳим.

ТАЛАБАЛАР УЧУН ЯНА БИР РАҒБАТ

Давлат раҳбари халқаро фан олимпиадаларида ғолиб бўлган ёшларни тантанали кутиб олиб, уларни ҳам қаҳрамонлар сифатида эъзозлаб, халққа танитиш кераклигини айтди. Шу мақсадда энди мактаблардаги “Ифтихор хоналари” ва марказий кўчалардаги кўргазма воситалари, оммавий ахборот воситалари орқали ғолиб ўқувчи ва мураббийлар кенг тарғиб этиб борилади. Ёзувчилар уюшмаси эса халқаро фан олимпиадалари иштирокчилари ҳақида ҳам сермазмун китоблар нашр этади.

Таъкидланишича, бу йил 14 та мактабда педагог касбига қизиққан 10-11-синф ўқувчилари учун алоҳида синфлар ташкил этилган бўлиб, унда 350 нафар ўқувчи қамраб олинган.

Келгуси ўқув йилидан эса яна 60 та мактабда, жумладан, 10 та ихтисослашган мактабда мазкур турдаги синфлар ташкил этилади. Бу синфларни битирганлар агар олий таълим муассасасига ўқишга кирса, 2-курсдан мактабга бориб касбий маҳоратини ошириши мумкин бўлади. Алоҳида қобилиятга эга талабаларга эса дарс ўтгани учун ойлик маош ҳам тўланади.

ҲАЁТИЙ ДАЪВАТ

“Бизнинг дунёдаги энг азиз ва мўътабар хазинамиз – бу умримиз гули ва меваси бўлган фарзанд ва набираларимиздир. Ҳеч шубҳасиз, барчамиз уларнинг келажакда бахтли ва саодатли инсонлар бўлиб яшашини истаймиз. Лекин бунга эришиш осон эмас. Айниқса, бугунги таҳликали даврда эзгу мақсадларга етиш учун инсонга ҳушёрлик ва огоҳлик, қатъий ирода, юксак билим ва кенг дунёқараш, замонавий касб-ҳунарлар ҳар қачонгидан ҳам зарур. Таълим ва тарбия – бутун жамиятнинг муқаддас ишидир! Барчамиздан доимо ҳамжиҳатлик, фаоллик ва фидойиликни талаб этадиган ҳаёт-мамот масаласидир. Эзгулик, билим ва маърифатни қурол қилиб, жаҳолат ва ёвузлик йўлини тўсайлик! Фарзандларимизнинг бахти, ёруғ келажаги учун, жонажон Ватанимиз истиқболи учун мустаҳкам пойдевор яратайлик!”

Хулоса қилиб айтганда, ҳурматли Президентимизнинг Ўқитувчи ва мураббийлар куни байрами муносабати билан ўтказган йиғилишида ўтган даврда бу йўналишда бажарилган ишларни сарҳисоб қилиш билан бир қаторда, ушбу соҳа масъуллари, мураббийлар олдига янги, улкан вазифалар қўйилди. Бу вазифаларни ўз вақтида чин юракдан бажариш мамлакатнинг ҳар бир чинакам ватанпарвар зиёлиси учун шарафдир.



КУНЧИҚАРГА ЕТАКЛАГАН ИЛМ

Японияни салоҳияти билан забт этаётган Зокировлар



Бошланиши 1-саҳифада.

Шерзод миллатсевар йигит. Юртимизни ўзи яшаб, ишлаб юрган манзилда танитиш ҳаракатига киришган. Бунда унга турмуш ўртоғи Зарина Аҳмедова яқин ёрдамчи. Зарина тўрт нафар фарзандини тарбиялаш билан бир вақтда, Нагояда “Ниҳол” номли мактабга асос солиб, ўқувчиларга ўзбек тили ва маданияти тарихидан сабоқ бериб келади. Шу ўринда японлар жаҳон тамаддуни ўчоқларидан бири ҳисобланмиш юртимиз тарихига, маданиятига ғоятда қизиқишларини эслатиш жоиз. Бирор халқнинг тарихи, маданиятини ўрганиш учун аввало шу халқнинг тилини ўрганиш кераклигини японлар яхши билади.

Бекзод Зокиров Японияда нуфузи жиҳатдан биринчи, дунёда кучли юзталикка кирадиган Токио университетида илмий иш ёқлаган. Бекзоднинг янгича технологиялар бўйича ёқлаган илмий иши соҳа мутасаддилари ва олимлар томонидан эътироф этилган.

Бекзоднинг орзуси Ўзбекистонда хусусий университет очиш ва илмга чанқоқ ёшларга ҳаётда ўз ўринларини топишларида ёрдам бериш. У очмоқчи бўлган университетда Япония технологиялари ўргатилишини эътиборга олсак, ёш олимнинг ниятларини қўшқўллаб қувватлаймиз. Ҳозирда Бекзод шу эзгу орзусини амалга ошириш ҳаракатида.

Оиланинг яна бир фарзанди Бунёд ҳам Японияда таҳсил олган ва ўз бизнесини йўлга қўйган. Бунда бизнес олимпи чўққисига аллақачон эришган японлардан ўрганганлари асқатмоқда. Тўғрисини айтсак, японлар билан бу борада рақобатга киришиш осонмас. Аммо, Бунёд ўз салоҳияти, тажрибаси билан кунчиқар юрт тадбиркорлари орасида муносиб ўрин эгаллашига ишонамиз.

Кенжа ўғил Дилшодбек ҳам Японияда университетни тамомлагач, акаси Бунёд каби бизнес соҳасини танлади. У енгил автомобиллар савдоси билан шуғулланади. Жон бошига автомобиллар сони бўйича дунёда етакчилар қаторида турадиган Японияда енгил машиналарга харидор топиш осон ишмас. Бунинг учун енгил автомобиллар ишлаб чиқарадиган корхоналар билан ҳамкорлик қилиш, маркетинг хизматини жаҳоний андозалар даражасига кўтариш керак. Бу жараёнда харидорлар билан муомала маданияти биринчи ўринда туради. Муомала учун эса тилни мукаммал билиш керак. Айни пайтда Дилшодбек “Global silkroad Inc” компаниясида ҳам ишлайди. Бу компания қуруқ мевалар импорти билан шуғулланади. Маълумки, қулай иқлими туфайли юртимизда боғдорчилик жуда ривожланган. Юртимизда етиштирилган қуруқ мевалар экспорти йилдан йилга ошмоқда. Дилшодбек шу борада японияли ҳамкорлар билан юртимиз боғбонлари ўртасида ўзига хос “кўприк” вазифасини ўтаётир.

Чекка Хоразмда туғилиб, вояга етган тўрт нафар ака-уканинг Японияга бориши, у ердаги энг нуфузли олийгоҳларда таҳсил олиб, сўнг ўзлари севган соҳа билан шуғулланишлари, бизнесни йўлга қўйишлари ўз-ўзидан бўлмаган. Улар, аввало, ўрта мактабда яхши ўқиганлари, кейинчалик ота-оналарининг қўллашлари орқали тил ўрганиш учун ўқув марказига қатнаганлари охир-оқибатда илмда, бизнесда ўзлари орзу қилган марраларни забт этишларига мустаҳкам пойдевор бўлган. Яна денг, улар япон тилини Хоразмда эмас, олти юз чақирим узоқда жойлашган Қашқадарёда ўрганишган.

Шу ўринда Зокировлар оиласига қойил қолмасдан иложимиз йўқ. Улар ўз меҳнатлари эвазига топган маблағларини машиналар олиш, иморатларини ҳашамли қилишга эмас, фарзандлари илм олишлари, тил ўрганишларига сарфлашган. (Кейинчалик фарзандлари туфайли шу неъматларга эришганлар ҳам.) Зеро, “Энг яхши инвестиция бу таълимга, фарзандлар илм олишига йўналтирилган сармоя”, деган қимматли ибора бор. Шу иборанинг нақадар ҳақ эканини Зокировлар оиласи мисолида кўрамиз. Яна биламизки, айрим тадбиркорлар, айниқса, дўкондорлик билан машғул оилалар фарзандлари таълим олишига эътиборсизлик билан қарашади. “Минг ўқиганинг билан шаҳар олиб берармидинг! Ўқиган одам билан дўкончининг даромадини солиштир!” дея фалсафа сўқишади ҳам...

Бекзод билан телефон орқали боғландик. У пойтахтда эканлиги учун узр сўради ва телефонда ота-онаси, инилари ҳақида қисқача тўхталди:


“Отам Ҳикмат Зокиров ва онам Шодмонжон Эгамбердиева юртимизда яратилган шароитлар туфайли биринчилардан бўлиб тадбиркорлик билан шуғулланишга аҳд қилишган. Улар мактабда ўқиганимизда бизларни қаттиққўллик билан пухта билим олишга ундашди. Еттинчи-саккизинчи синфларда ўқиётган давримизда хорижий тилларни ўрганишимиз зарурлигини уқтиришди. Катта акам япон тилини танладилар. Кейинчалик бизлар ҳам акамга эргашдик. Шерзод акам 2007 йили Япониядаги Нагоя университетига ўқишга кирди. Бизлар ҳам улғайгач, у кишининг йўлини тутдик ва ўйлайманки, кам бўлмадик. Ҳаммамиз ҳаётда ўз олдимизга қўйган мақсадларимиз амалга ошиши, юртдошларимизга ёрдамимиз тегиши учун ҳаракат қиляпмиз. Ҳаётда бизлар нимага эришган бўлсак – ҳаммаси мустақилликдан сўнг яратилган имкониятлар – чет элларга ўқиш учун йўллар очилгани, ота-онамизнинг таълим олишимизга кўрсатган эътибори ва албатта, тил ўрганганимиз ортидан деб биламан”.

...Кунчиқар юртни ўз салоҳиятлари билан забт этаётган тўрт оға-ини ҳақида ижтимоий тармоқларда ёйинланган қисқа лавҳадан хабар топдик ва уларнинг оиласи ҳақида муфассалроқ маълумот олиш мақсадида вилоят Ёшлар ишлари агентлиги масъуллари билан боғландик. Тезроқ маълумот олиш ниятимизни билган масъул узрланди: “Ҳозирда хорижий давлатларда таҳсил олган ва олаётган вилоятлик ёшлар жуда кўп. Бизлар рўйхатни кўриб чиқамиз. Бирор соат кутишингизга тўғри келади”.

Кутиш тоқатимизни синади, деб ўйламанг, аксинча қувонтирди. Ахир, ёшларимиз бугун тараққий топган давлатларнинг нуфузли олий таълим муассасаларида бошқа миллат вакиллари қаторида таҳсил олаётган, илм соҳасида улар билан рақобатга киришаётган экан қувонмай бўладими?!

Рўзимбой ҲАСАН,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

СЎЗ МУЛКИ



“ВАТАН! БОР ҚИСМАТИМ ШУ БИР СЎЗДА ҲАЛ...”

Ватан ва миллат ҳаётининг юксак ва жонли тасвири Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Шайхзода, Миртемир каби улуғ шоирларимизнинг шеърларида ҳам мавжуд. Лекин устозларидан фарқли равишда Абдулла Орипов мавзунинг қалтис қирраларини чўчимасдан, совет мафкурасининг бир ёқламаликка риоя қилиш талабларидан кечиб, янгича йўл тутди. Бу эса ҳақиқатда шеъриятимизда ҳали равшан кўринмаган жасорат эди. Шоир “Ўйларим” номли шеърида “Ватан! Бор қисматим шу бир сўзда ҳал”, деган эди. Ватан мавзусини ёритишда Абдулла Орипов устозларидан (масалан, тилда, образли тасвир ва оҳанг яратишда) ўрганган, лекин у тақлидга ён бермаганидек, такрорга ҳам йўл қўймаган. Бунинг ҳам ўзига хос сабаблари бор, албатта.

Биринчидан, Абдулла Орипов улкан талант. Талантли шоир эса, қайси мавзуда қалам тебратмасин, ҳамиша ўзининг гапини, яъни янги фикр-туйғуларни акс эттиради.

Иккинчидан, Абдулла Орипов юрт тарихи ва тақдирини ўзича мушоҳада этади, ўзича кўради. Шунинг учун Ғафур Ғулом, Ойбек, Шайхзода ва Миртемир нигоҳидаги Ватан билан Абдулла Орипов тасаввуридаги Ватан маълум фарқланишларга эга. Шу маънода Абдулла Ориповнинг ўз Ватани бор.

Миллат, тил, тарих, дин тушунчалари бўлмаса, Ватан сўзи ўз-ўзича муҳим бир аҳамият касб этмайди. Шоирнинг дастлабки ижод намуналаридан бўлган “Мен нечун севаман Ўзбекистонни” шеърини ўқиган киши Ватан деган тушунчанинг туб моҳияти халқ қисмати ва ҳақиқатлари орқали ёритилганлигига иқрор бўлади. Унинг:

...Юртим, сени фақат бойликларинг-чун
Севган фарзанд бўлса кечирма асло!

– деган сатрлари худди қасамдай янграйди. Совет замонида юрт ва миллат тўғрисидаги ҳақиқатни тўла-тўкис ифодалаш имкони йўқ эди. Тилдан, тарих ва қадриятлардан баҳс юритиш ҳам ёзилмаган қонунларга кўра чекланган эди. Аксарият шоирлар Ватан ва миллатни бахт, бахтиёрлик, улкан зафарлар оғушида тасаввур этар, ёзган шеърлари ҳам сохта кўтаринкиликка асосланар эди. Шу боисдан ҳам шоир шеърларида “Ватан” сўзи – асосий сўз ва бош тушунча бўлиб қолмасдан, миллий ҳис-туйғу ва ҳақиқатларни очиб кўрсатадиган калит ҳамдир. Абдулла Ориповнинг Ватан ишқи ва дарди билан йўғрилган шеърларининг яна бир муҳим хусусияти шундаки, уларнинг ҳар бири у ёки бу даражада шеърхонни ўзлигини билишга, “Сен кимсан, аждодларинг ким, эрк ва ҳуррият бешигинг қаёнда?” деган саволларга мустақил жавоб излаш ва топишга ундайди.

Абдулла Орипов шеърларининг ички руҳини тушунган ўқувчининг кўнгли табиий равишда юртдан ғурурланиш, фидокорлик, она диёрга яқинлик ҳиссиётлари билан бойийди.

Улуғ шоиримизнинг асосий хизматларидан бири – юрт ва халқ мавзусини ёлғондан, юзакилик ва мадҳиябозликдан нисбатан тозалашга эришганида эди. У она диёрининг қувонч ва шодликлари билан бирга дард ва азобларини, муваффақият ва тараққиёти билан бир қаторда ғам ва қайғуларини ҳам дадил ифодалай олди.

Унинг сўзлари тўғри, самимий ва ҳаққонийлиги боис шеърхон қалбини тез ишғол этди. Абдулла Орипов қайси ғоя ёки мавзуда шеър ёзмасин, ё бевосита, ё билвосита Ватан ҳақида сўзлаб, Ватан ва халққа дахлдор ўткир бир фикрни моҳирлик билан ифодалашга эришган. Масалан, “Арманистон” шеърини олайлик. Шоир арман халқи ва диёрининг ўтмиши ҳақида мулоҳаза юритар экан, кутилмаганда мана бундай аччиқ ҳақиқатга эътиборни қаратади:

Менинг ҳам Ватаним жанглар гувоҳи,
Менинг ҳам тупроғим
топталгандир хор.
Менинг ҳам руҳимда аждодлар оҳи
Менинг ҳам қонимда қилич занги бор.

Бу сатрлар энг мудроқ ва лоқайд кимсанинг ҳам кўнглига ўқдай санчилиб, қонини жунбишга келтирмаслигини тасаввур қилиш қийин. Ватаннинг тарихини ва умумий аҳволини чуқур билган, жафокаш халқни жону дилдан севган шоиргина ўз руҳида аждодлар оҳини ҳис этиб *“Менинг ҳам қонимда қилич занги бор”* дейиши мумкин. Ёки худди шу шеърдаги мана бу сатрларга эътибор берайлик:

Тарих деб аталган қисмат бу ахир,
Ёнида ҳаттоки юзтубан худо.
Кимни у камситиб этмаган таҳқир,
Кимни у юртидан этмаган жудо.

Бу алам ва фарёднинг илдизини фақат ўтмишдан ахтариш тўғри эмас, албатта. Чунки “Кимни у юртидан этмаган жудо” мисрасида юртга эгалик туйғусидан қаноат топмаган шахснинг ҳасрати ва надомати яширингандир. Тарих ва тарихий воқеалар, тарихий шахсларнинг жуда мураккаб муаммо ва масалаларига ишорат этиш Абдулла Ориповнинг севган усулларидандир. Кўп шеърларида, жумладан, “Ўзбекистон” қасидаси ва “Юзма-юз” манзумасидаги айрим ишоратларни журъат ва шижоатнинг юксак нишонаси деса муболаға бўлмайди. “Ўзбекистон” қасидасида шоир босқинчилар ва босқинчиликни қоралаб:

Ҳар учраган нокасу нодон
Она халқим, ёқангдан тутди,

– дейди. Биз “нокас”, “нодон” сўзларига кўп марта дуч келганмиз. Унинг луғавий маъноларини яхши биламиз. Шунга қарамай, уларнинг мазкур контекстда кутилмаган янги маъно қирралари билан намоён бўлаётганини пайқаш қийин эмас. “Нокас” одатда “бахил”, “сулла” маъноларини англатади. Бу ерда эса сўзнинг тарихи – этимологик маъноси “но+кас”, яъни “одам эмас” ифодасидаги маъно ҳам қалқиб чиққан. Ва *“Сени Чингиз ғазабга тўлиб, йўқотмоқчи бўлди дунёдан...”* дея фикрини давом эттиради. Сезгир ўқувчи эса *“ҳар учраган нокасу нодон”* сўзлари фақат араб ёки мўғул босқинчиларига тегишли эмаслигини осон илғайди. Бошқа бир шеъридаги:

Босқинчи сўзининг маъноси шулки,
Нонга тўйганда ҳам тўймас маконга...

– байти ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Мумтоз адабиётимизда “ҳусни таълил” деган бадиий санъат қўлланган. У асослаш санъатидир. Шоир ҳаётий мантиқни англаб, ҳис қилиб тургани ҳолда, онгли равишда ундан воз кечиб, унинг ўрнига шоирона асосга йўл беради. Масалан, гулнинг пояси (“оёғи”) битта эканлиги яхши маълум. Шоир учун эса у ёр-маъшуқа учун бир оёғда туриб қуллуқ қилаётган ҳолатни эслатади:

Сени ҳуснингни кўриб гул боғда
Тапуғ айлар туруб бир оёғда...

(Атоий).

Худди шунга ўхшаш Абдулла Ориповда ҳам “босқинчи” сўзининг маъноси нонга тўйса ҳам, маконга тўймайдиган (одам) тарзида изоҳланади. Бу шоирнинг мазкур сўзга қўшимча маъно юкини юклай билганидан пайдо бўладиган ҳолдир. Шоир ижодида бу хил мисолларни кўплаб учратиш мумкин.

“Ўзбекистон” қасидасини эълон қилиш, – дейди шоир, – мен учун қийин бўлди. Муҳаррирлар қуйидагича талаб қўйдилар: тарихимиз, бугунимиз яхши айтилибди... Лекин Россия ҳақида бир байт битишингиз шарт”. Шундай шароитда Ватан ва халқ ҳақида мақтов сўзларини битиш ўнғайроқ бўлганлиги ҳеч кимга сир эмас.


Шоир фавқулодда фалсафий иқтидор соҳиби бўлганлиги боис Ватан тушунчасига турли томондан ёндашади ва бу серқирра мавзуни бутун кенглиги, бутун улуғворлиги билан бадиий талқин қилишга уринади. Шунинг учун шоир шеърларида қадим тарихимизнинг нафаси, боболаримиздан мерос қолган диний ва миллий қадриятлар, халқнинг курашчанлиги, мардлик ва қаҳрамонлик фазилатлари, юртнинг ҳар бир гиёҳини эъзозлаш, илм ва маърифатда байроқдор бўлиш каби жуда кўп хислат ва фазилатлар мужассамлашган.

Гулбаҳор АШУРОВА,
филология фанлари доктори,
Фузулий номидаги илмий тадқиқот маркази раҳбари

МУТОЛАА

ОЗОД ҚАЛБ

Шуҳрат домла ўзбек халқининг забардаст адиби, эл севган шоири ва драматургидир. Шоир асарлари нафис лиризми, қаҳрамонлар руҳий оламини ёрқин ифодалаганлиги, ҳис-туйғуларининг самимийлиги билан ўқувчилар қалбини ром этган. Унинг асарлари халқимиз маънавияти ва маърифатининг кўзгуси сифатида аҳамиятлидир.



“Озод қалб”. Ушбу қисса орқали ёзувчи ҳибсда бўлса-да китобхон кўз ўнгида ўзини мардона тутган, ғанимларга бўйсунмаган, озод қалб соҳиби сифатида қийноғу уқубатларни сабот ила енган инсон ўлароқ намоён бўлади. Китобнинг қиммати шундаки, муаллиф Мирзо Кенжабек воқеаларни 1988 йилда бевосита адиб тилидан ёзиб олган. Асарда турли қаҳрамонларнинг ҳаёти ва уларнинг ички кечинмалари бадиий ифода топган. Уларнинг ҳар бири зўравон тузум касофатлари сабабли бошига тушган кўргиликларни, йўқотишларни ва ҳаётий синовларни енгишга интилади. Уларни бир жиҳат – адолат тантанасига бўлган ишонч бирлаштиради.

Ўзбек адабиётида ўз ўрнига эга бўлган замонавий адиблардан бири Мирзо Кенжабекнинг бу асари реал воқеаларга асосланган ва ўша мудҳиш кунларга гувоҳ бўлган юртдошларимиз орамизда борлиги билан ҳам ўқувчиларда мушоҳада уйғотади. Бу китобда руҳий озодлик масаласи чуқур таҳлил қилинади.

Ушбу қиссада Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шуҳратнинг машаққатли ҳаёти билан биргаликда, йигирманчи асрнинг эллигинчи йиллари бошида юртимизнинг бир қанча кўзга кўринган адиблари ҳибсга олиниши, улар махфий суд қилиниб, узоқ муддатларга сургунга жўнатилиши ҳам акс эттирилган. Аянчли томони шундаки, ҳукм ҳам, сургун жойи ҳам сир сақланган, ҳеч кимга айтилмаган. Истиқлол йилларида бу адиблар оқланиб, хизматлари ҳақли тақдирланди, ҳурматлари расман ўрнига қўйилди.

Инсофдан либос кий, ҳамиятдан тож,
Эзгулик қўлингда бўлсин байроғинг.
Поклик денгизида дадил от қулоч,
Ҳақиқат бўлғуси суянган тоғинг!

Ёзувчи ўз қаҳрамонлари орқали инсон қалбининг турли ҳолатларини, унинг ички курашлари ва умидларини тасвирлайди. Ҳар бир қаҳрамон ўз ҳаёти, севгиси ва келажаги ҳақида чуқур ўйга чўмади.

– Асардаги воқеалар гарчи бир адиб тилидан айтилган бўлса ҳам, бир даврнинг фожиасини ўзида жамлаган ҳақиқатлардир, – дейди Мирзо Кенжабек. – Китоб “Озод қалб” деб бежиз номланмаган. Чунки Шуҳрат ака гарчи мустамлака замонида, оғир тазйиқли зулмлар даврида яшаган бўлса ҳам, қалби озод шахс эди. Дастлаб уни “Ўтмаган кунлар” деб номлагандим. Лекин кейин Шуҳрат аканинг шахсиятига ярашадиган, у зотнинг қалби озодлигини англатадиган, “Озод қалб” ва остсарлавҳа “Ёзувчи Шуҳратнинг ҳибсдаги ҳаёти” номини маъқул топдим.

Асар қаҳрамонлари бир хил эмас, ҳар бири ўз ҳаёти, орзулари билан бир-биридан фарқ қилади. Масалан, бир қаҳрамон севги изидан кетади, иккинчиси эса ўз ички душманлари билан курашади. Улар қўйилган тўсиқлардан ўтишга интилишади.

Бу китоб ўзбек халқининг улуғ адиби “Шуҳратнинг ҳибсдаги ҳаёти” деб номлангани билан, у бутун ўзбек халқининг қатағон давридаги фожиасини, совет давридаги кўп миллатнинг асл маънодаги ҳибсдаги ҳаётини намоён этган.

Баҳора АҲМЕДОВА,
Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари маслаҳатчиси

ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ

ва тарихий адолатнинг тикланиши

Бошланиши 1-саҳифада.

2000 йил 12 май куни “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуасининг тантанали суратда очилиши мамлакатимиз ва халқимизнинг ижтимоий, маданий-маънавий ҳаётида улкан воқеа бўлди. Қисқа муддатда “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуаси мамлакатимизнинг табаррук зиёратгоҳларидан бирига айланди.

Таъкидлаш жоизки, машъум қатағонда қурбонларнинг ижтимоий келиб чиқиши, жамиятдаги мавқеи, миллати, диний эътиқодига эътибор берилмаган. Қайсики шахс миллат ғамида бўлса, адолат талаб қилса, ҳур фикрласа, илмли бўлса – бундай инсонлар тузумнинг душмани ҳисобланган ва маҳв этилган. Биргина Ўзбекистон мисолида кўрадиган бўлсак, 1937-1938 йиллардаги “Катта қирғин” даврида шоир Абдурауф Фитрат, шоир Тўлаган Хўжамёров (Тавалло), педагог Қаюм Рамазон, шарқшунос олим Холид Саид сингари минглаб миллатимиз фидойилари қаторида композитор, этнограф, санъатшунос В.А.Успенский, таниқли рассом М.И.Курзин, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, рассом А.В.Николаев – Уста Мўмин, шарқшунос олим А.А.Семёнов, шарқшунос, этнограф олим М.С.Андреев каби рус миллатига мансуб инсонлар ҳам қатағон қилинган.

Қатағон сиёсатининг яна бир даҳшати – ижтимоий хавфли деб топилган халқларнинг ўз ватанидан бошқа ўлкаларга мажбурий кўчирилиши бўлди. XX асрнинг 30-40-йилларида Совет иттифоқи умумий аҳолисининг 60 дан ортиқ миллати қатағон гирдобига тортилди. Шундан 15 таси мажбурий кўчирилишга – депортацияга маҳкум этилди. Депортация қилинган халқларни ўрнаштириш учун танланган жойлардан бири Ўзбекистон эди. Юртимизга ўн минглаб корейслар, поляклар, қалмиқлар, қрим татарлари, чеченлар, ингушлар, греклар, арманлар, месхети туркlари ва бошқа халқ вакиллари депортация қилинди. Ўзбекистон уларнинг иккинчи Ватанига айланди.

Айнан шу жиҳатдан ҳам “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуасини ўзга юртларда хоки қолган миллати, диний эътиқодидан қатъи назар юзлаб ватандошларимизнинг рамзий қабри, таъбир жоиз бўлса, муқаддас макон дейиш мумкин.

2002 йил 31 августда – мамлакатимизда илк бор нишонланган “Қатағон қурбонларини ёд этиш куни”да айнан шу манзилда Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи очилди. Музей фаолияти мустамлака давридаги ўзбек халқи тарихининг фожиали бир саҳифаси ўлароқ, ўша пайтда рўй берган иқтисодий, сиёсий, маданий жараёнларни англаш, қатағон сиёсатининг оқибатларини илмий тадқиқотлар асосида ўрганишга йўналтирилган. 2008 йилда музей биноси кенгайтирилди ва экспозицияси тубдан янгиланди.



2017 йил 31 август – “Қатағон қурбонларини ёд этиш куни” муносабати билан Президент Шавкат Мирзиёев музейга ташрифи чоғида, “ушбу музей – музейларнинг музейи” деб, юксак баҳо берди ҳамда музейнинг вилоятларда ҳам бўлимларини ташкил этиш бўйича таклиф киритди.

Билдирган ушбу таклиф ва мулоҳазалар асосида 2017 йил 22 ноябрда Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи ва ҳудудлардаги олий таълим муассасалари тузилмасида Қатағон қурбонлари хотираси музейларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. Мазкур қарор билан музей Вазирлар Маҳкамаси тасарруфига ўтказилиб, фаолияти янада кенгайтирилди ва такомиллаштирилди. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги 13 та олий таълим муассасаси тузилмасида Қатағон қурбонлари хотираси музейлари ташкил этилди. 2021 йилда давлат раҳбарининг топшириғига биноан Қарши шаҳридаги Одина масжидида Қашқадарё вилоят Қатағон қурбонлари хотираси музейи янгитдан яратилди. Совет даврида НКВД қамоқхонасига айлантирилган ушбу тарихий обидада ташкил этилган музей 2021 йил 11 октябрда Президентимиз томонидан тантанали равишда очилди.

2020 йил 8 октябрда Президентнинг “Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармойиши қабул қилиниши эса тарихий адолатнинг тикланиши ва шаҳидлар хотираси абадийлаштирилиши борасида олиб борилаётган ишларни янги сифат босқичига кўтарди. Фармойиш асосида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри кесимида жами 14 та “Қатағон қурбонлари” хотира китоблари тайёрланди. Уларга 40 мингга яқин қатағон қурбони бўлган ватандошларимизга оид маълумотлар киритилди.

Мазкур фармойиш билан мустабид совет тузум даврида қатағон қилинган ва муайян сабабларга кўра оқланмай қолган ватандошларимизни оқлаш борасида ҳам муҳим ишлар қилинди. Олий суд томонидан 2021 йил 25 августда 115 нафар, 2022 йил 6 январда 120 нафар, 2022 йил 19 декабрда 173 нафар, 2023 йил 19 апрелда 208 нафар, 2023 йил 24 августда 240 нафар, 2023 йил 1 декабрда 174 нафар, 2024 йил 6 майда 205 нафар, жами 1220 нафар юртдошларимиз номи оқланди. Булар орасида ўзбек (981 та) миллатидан ташқари тожик (86 та), қирғиз (9 та), қозоқ (104 та), рус (2 та), қорақалпоқ (22 та), татар (5 та), форс (6 та), туркман (4 та), ҳатто араб (1 та) миллатига мансуб шахсларнинг борлиги, “сиёсий қатағон машинаси” миллат танламаганидан далолат беради.

Оқланганларнинг аксарияти, Туркистондаги жадидлик ҳаракати намояндалари эканлиги бежиз эмас. Бинобарин, мустабид совет даврида айнан маърифатпарвар, тараққийпарвар, зиёли инсонлар қатағон қилинган.

Жадид тараққийпарварлари ва қатағон қурбонларининг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, уларнинг илмий меросини тадқиқ этиш бугунги кунга келиб энг долзарб аҳамиятга эга бўлган ишга айланди. Муҳтарам Президентимиз бу борада жуда тўғри таъкидлаганидек “Уларни хотирлаш, эзгу ишларини давом эттириш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз”.

Жорий йил 19 июлда қабул қилинган “Сиёсий қатағон қурбони бўлган юртдошларимиз ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, тарғиб этиш ҳамда уларнинг хотирасини абадийлаштириш борасидаги ишларни кенгайтириш тўғрисида”ги Президент қарори ҳам жадид боболаримиз ва қатағон қурбонларини хотирлаш, уларнинг илмий-маърифий меросини ўрганишга туртки берадиган улкан тарихий қадам бўлди.

Қарорда белгилаб берилган вазифалар, шубҳасиз, 1937–1953 йиллар мобайнида юз берган аянчли қатағон сиёсатининг энг нозик қирраларигача тадқиқ этишда ҳамда юрт, миллат учун азиз жонларини қурбон этган жадид боболаримизнинг ҳаёти ва фаолиятини чуқур ўрганишда беқиёс аҳамият касб этади.

Ушбу қарорда кўп жилдлик “Қатағон қурбонлари” китобини чоп этиш, Тошкент шаҳридаги “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуасига рамзий китобни ўрнатиш, октябрь ойининг биринчи ҳафтасини мамлакатимизда Сиёсий қатағон қурбонларини ёд этиш ҳафталиги сифатида нишонлаш, қатағон этилган аждодларимизнинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида спектакллар, бадиий ва ҳужжатли фильмлар тайёрлаш, мустабид тузум даврида сиёсий қатағонга учраган шахсларни реабилитация қилиш тартибини назарда тутадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқишга доир топшириқлар бу борадаги ишларнинг кўламини янада кенгайтиришга замин ҳозирлайди.

Чет элдаги турли фондлар, архив, музей, кутубхона ва бошқа илмий-маърифий муассасалар ҳамда тегишли мутахассислар билан ҳамкорлик ўрнатган ҳолда, қатағон қурбонларининг ҳаёти ва фаолиятини тадқиқ этишга доир илмий экспедициялар уюштириш тўғрисидаги ташаббус, шубҳасиз, мард ва жасур боболаримизнинг айни дамда хорижда сақланаётган мўътабар меросини ўрганишда янги уфқларни очиш имкониятини беради.

СССР Олий суди Ҳарбий коллегиясининг 1938 йил 4–16 октябрь кунларидаги сайёр йиғилишида 507 нафар ўзбекистонлик сиёсий маҳбус устидан ҳукм ўқилган. Уларнинг энг кўзга кўринганлари жисмонан маҳв этилган. Қолганлари учун турли муддатга сургун ёки қамоқ жазоси белгиланган. Умуман олганда, 1934–1938 йиллари Ўзбекистонда 40 мингдан ортиқ инсон қатағон қилинган. Шулардан 730 нафари “халқ душмани” сифатида отиб ташланган.

Қарор доирасида белгиланган Сиёсий қатағон қурбонларини ёд этиш ҳафталиги юрт озодлиги, ватан тараққиёти йўлида азиз жонини фидо этган аждодларимизнинг хотирасини абадийлаштиришга катта асос бўлиб хизмат қилади.

Ушбу ҳафталик давомида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи томонидан ҳам бир қатор тадбирлар ўтказиш режалаштирилган. Энг аввало, қатағон қурбонларининг муқаддас хоклари қайта дафн этилган пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги “Оқил ота” қабристонида давлат ва жамоат арбоблари, фан, адабиёт ва санъат намояндалари иштирокида шаҳид боболаримиз хотирланиб, уларнинг ҳақларига дуолар қилинади.

Шундан сўнг Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейида Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти билан ҳамкорликда ташкил этилган Туркистон жадидларининг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган рангтасвир асарлари кўргазмаси, шунингдек, “Нуроний” жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими билан биргаликда “Тарихдан ибрат олиб…” номли маънавий-маърифий тадбир ўтказиш режалаштирилган.

Ўтказиладиган тадбирлар орқали юртимиздаги тинчликни қадрлашга чорлаш баробарида, инсон хотираси ва қадрининг шундай юксак даражада улуғланаётганига эътибор қаратиш кўзда тутилган. Ҳафталик тадбирлари фарзандларимиз учун тенгсиз сабоқ ва муносиб ибрат вазифасини ўташига ишонамиз.


Бахтиёр ҲАСАНОВ,
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи директори, тарих фанлари доктори, профессор
Қуддус АСАД олган суратлар

ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ

КЎПГА КЕЛГАН БАЛО

ёхуд ёзувчи Борис Чепрунов тақдири

Қаттол тузум даврида юртимизда маҳаллий зиёлилар билан бир қаторда, ўзга миллатларга мансуб бўлган кўплаб фидойи инсонлар ҳам зулм ва ҳақсизлик қурбони бўлишган. Бугунги кунда уларнинг ҳам номлари бирин-кетин оқланиб, хотираси эъзозланмоқда. Ўз асарларида юртимиз тарихини холис ва адолатли тарзда акс эттириш орқали таниқли ижодкорлар ва китобхонлар меҳрини қозонган истеъдодли ёзувчи Борис Васильевич Чепрунов ана шундай шахслардан бири эди.



Борис Чепрунов 1891 йил 25 январда Кўҳна Урганч шаҳрида Россиядан мажбуран кўчириб келтирилган рус крепостной деҳқони оиласида дунёга келган. Бориснинг болалиги Хоразм воҳасида ўзбек, туркман болалари билан кечгани боис у маҳаллий тил ва қадриятларни жуда эрта ўрганди. 1905 йили отаси вафот этгач, ёш бўлишига қарамай ишлаб, оилага ёрдамлашишига тўғри келди. Аввал Урганчдаги бир корхонада кичик хизматчи бўлиб меҳнат қилади, 1910 йилдан Янги Урганчдаги Россия Осиё банки бўлимига ишга киради. У дам олиш кунлари идора қошидаги арабча хат-саводни ўрганиш машғулотларига қатнайди, Тошкентда чоп этиладиган “Туркестанский курьер” газетасида илк мақолаларини эълон қилади.

Борис Чепрунов “Ёш хиваликлар” ҳаракатини ҳам, жадидларнинг ҳуррият йўлидаги эзгу интилишларини ҳам, инқилоб йилларида қизил армиянинг Хоразм воҳасида амалга оширган даҳшатли хунрезликларини ҳам ўз кўзи билан кўради. Истиқлолчилик ҳаракати, айниқса, Жунаидхон ва унинг қаҳрамонона курашининг асл моҳиятини қалбан англаб етади. Кейинчалик эса Тошкентга келиб, маҳаллий рус ва ўзбек матбуотида фаол қатнашади. Ўзбек ва рус ёзувчилари билан алоқага киришиб кетади. 1934 йил Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида рус адабиёти бўйича адабий маслаҳатчи, 1935 йилдан рус ёзувчилари бўлими раиси, “Литературний Узбекистан” журналининг таҳрир ҳайъати аъзоси вазифаларида ишлайди. У мазкур журналда рус ёзувчилари билан бир қаторда, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Усмон Носир каби ўзбек адиблари асарларининг русча таржималарини ҳам чоп эттиради. Ўзининг “Хоразм ҳикоялари” (1931), “Матёқубов” (1933), “Миёвиддин Мирзо”, “Жунаидхон” (1936) каби асарларини эълон қилади. “Мустамлакачилар” деган янги романини ёза бошлайди.

1935 йил “Муштум” журнали таҳрир ҳайъатига жалб этилган Чўлпон Борис Чепруновнинг “Миёвиддин Мирзо” қиссасини ўзбек тилига таржима қилиб, журналнинг 1936 йилги сонларида чоп қилдиради. У қиссага ёзган кириш сўзида: “Ўртоқ Борис Чепрунов томонидан ёзилган “Миёвиддин Мирзо” қиссаси халқ ижодига тааллуқли бир асардир. Халқ ижодида “Миёвиддин Мирзо”га ўхшаган ҳайвонлар ҳаётига оид асарлар кўпдир. Бу асарларда айрим ҳайвонларга турмушдаги жонли типларнинг сифати берилган. Шунинг билан айрим бир даврнинг хусусиятлари изоҳ қилинади... Асардаги ҳар бир ҳайвон ўша турмушдаги жонли бир кишини жуда усталик билан ифода қила олади. Халқ ижодида сатира жуда яхши томир ёзган. Бизнинг сатирамиз кенг халқ ижодидаги тажрибалардан, усталиқлардан фойдаланиши керак. Шунинг учун “Муштум”да “Миёвиддин Мирзо” қиссасини босиб борамиз”, деб илиқ фикр билдиради.

1937 йилнинг 2–7 сентябрь кунлари бўлиб ўтган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 4-пленумида Борис Чепрунов ҳам советларга қарши буржуа миллатчилик ғояларининг ҳимоячиси деб танқид қилинди. Жумладан, 5 сентябрдаги йиғилишда ёзувчи Плетнев Борис Чепруновнинг “Жунаидхон” романи ҳақида **“Бизнинг адабий доираларимизда мазкур асар адабиёт оламимизда бутун бир адабий ҳодиса дейилиб, кўкларга кўтарилди. Мен меҳнат таътилига кетганимда ушбу китобни ўзим билан бирга олиб кетиб, синчиклаб ўқиб чиқдим. Бу ерда шуни очиқ айтишим керакки, китобда жуда кўп носоғлом фикрлар, кўп сиёсий хатолар мавжуд. Жумладан, асарда асосий мавзу – жадидизм масаласида шундай хатолар бўлган. Романда жадидлар бўяб, нуқсонсиз қилиб тасвирланган. Асарда майда савдогарлар, ҳунармандлар – ҳаммаси гўё ўз халқининг маданияти ҳақида қайғурадилар, инқилоб учун фаол курашадилар. Бунинг оқибатида романда жадидизмнинг моҳияти очилмай қолиб кетаверади. Бу оқимнинг ортига бекинган йиртқич одамлар башараси очилмайди. Уларнинг ҳаммаси гўё бир фариштасимон, гуноҳсиз кишилар қилиб кўрсатилади”,** дейди.

1937 йил 19 октябрда Ёзувчилар уюшмасининг рус адабиёти бўлими фаоллари билан биргаликда ўтказилган кенгайтирилган мажлисда 1937 йил 20 сентябрда “Комсомолец Узбекистана” газетасида босилган “Буржуа миллатчилари ва уларнинг ҳомийлари” мақоласи муҳокама қилинади. Унда Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир билан бир қаторда Борис Чепрунов, Бондаренко, Титов-Омский, таржимон Лидия Соцердотова ва бошқалар рус ҳамда ўзбек миллатчи ёзувчи-шоирларининг ҳомийлари ва тарғиботчилари сифатида танқид қилинади. Борис Чепрунов уларга қарши: *“Мақоланинг руҳи туҳматдан иборат, у шахсий ўч олишга ўхшайди. Бондаренко ҳалол, меҳнаткаш бир одам, у бизнинг яхши дўстимиз… Мен Титов-Омскийни ҳам анчадан бери биламан, у ёш ёзувчилар ичида ишчан, ғайратли бир йигит, уни ахлоқий-маиший бузуқликда айблашлари ўринсиз, деб биламан”,* дейди. Лидия Соцердотова эса **“Буржуа миллатчилари ва уларнинг ҳомийлари”** мақоласида Абдулла Қодирий каби ёзувчиларга нисбатан ноҳақ ҳужумлар бўлаётгани, унинг таржимонларига туҳмат тошлари отилаётганини мардона танқид қилади. Ҳатто, Лидия Соцердотова мунозара вақтида кейинги вақтларда Абдулла Қодирийга нисбатан бўлаётган ҳақсизликлардан норози бўлиб, бу ҳақда шахсан Сталин номига хат ёзганини ҳам таъкидлайди.

Бироқ зулм ва ҳақсизлик бу гал ҳам ғолиб келади. 1937 йил 4 декабрда Борис Васильевич Чепрунов ЎзССР ЖКнинг 57-, 64-, 67-моддалари билан айбланиб, Тошкент шаҳри, Октябрь тумани, Сурат маҳалласи, 205-уйдан ҳибсга олинади. Бу вақтда унинг оила аъзолари сифатида турмуш ўртоғи Вера (1905 й.т.), ўғли Юрий (17 ёш), Анатолий (14 ёш) ва Леонид (1 йилу 8 ойлик) нинг номлари қайд этилган. Бир ҳафта ўтар-ўтмас у Ёзувчилар уюшмаси аъзолигидан чиқарилади.

Ўша йил 5 декабрда Бреславский имзолаган адабиёт ходимлари тақризида Б.Чепрунов ҳақида “тарих фальсификатори” деб хулоса берилган. Шунингдек, мазкур тақризда “Жунаидхон” тарихий романида **“Ёш хиваликлар” улуғланган, Жунаидхон асоссиз доҳийга айлантирилган, сўл эсерларнинг большевикларга нисбатан халқ учун ҳурматлироқ бўлгани қайд этилган,** Тўрткўл учун кечган жангларда хунлар замонининг ёввойи сардори асоссиз ўта мулоҳазали ва ақлли инсон сифатида тасвирланган, дея хулосалар берилади. Борис Чепруновнинг “Ишанская буча” қиссасида эса қаҳрамонлар тилида “Аллоҳга шукр” деган гаплар жуда кўп учрайди, дейилади.

Хуллас, Борис Чепрунов бир ярим ой қамоқ азобини чеккач, 1938 йил 23 январда биринчи бор терговга чақирилади. Бунгача эса у ва унинг асарларига туҳматли ҳужумлар уюштирилиб, ички тақризлар йиғиб олинади. Энди терговчининг фақат ўша “айблов”ларни “айбдор”нинг бўйнига қўйиши ва уни охиригача “фош қилиши” қолган эди! Узоқ вақт қамоқ ва қийноқ азобларидан ҳолсизланган Борис Чепрунов ўзига қўйилган айбловларни бўйнига олишга мажбур бўлади. Терговчилар эса, баённомада



уларни янада бўрттириб, ўз қўллари билан тўқиб-бичиб ёзавердилар. Борис Чепрунов 1938 йил 8 октябрда СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси ҳузуридаги машъум “учлик”нинг Тошкентдаги сайёр йиғини қарори билан олий жазо – отувга ҳукм қилинади. Ҳукм ўша куннинг ўзидаёқ ижро этилади.

Сталин вафотидан бир неча йил ўтгач, яқинларининг аризаси асосида Борис Чепруновнинг иши ҳам қайта кўришга топширилди. Заҳматкаш ва ҳақгўй адибни яқиндан таниган ва унинг асарларига тақриз ёзган айрим рус ёзувчилари гувоҳ сифатида қайта сўроққа тортилади. Хусусан, Андрей Иванов, Александр Удалов каби ижодкорлар Борис Чепруновнинг ўз даврида жуда машҳур бўлгани, ёш шоир ва ёзувчиларга ҳамиша самимий ёрдам кўрсатгани ва у ҳақида ҳеч қандай ёмон фикр эшитмаганликларини баён қилишади. Вақтида “Жунаидхон” романига ёзилган салбий тақриз муаллифи Бресловский эса ўша тақриз бошқа шахслар томонидан ёзилиб, унга мажбуран имзолатилганини тан олади. 1957 йил 28 июнда Б.Чепрунов СССР Олий суди томонидан оқланди.

Баҳром ИРЗАЕВ,
Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи бош илмий ходими

“МИЛЛИЙ ИТТИҲОД”ЧИ МАҲМУДХОН АҲМАДХОНОВ

Бошланиши 1-саҳифада.

Маҳмудхон Аҳмадхонов 1929 йили аксилинқилобчи сифатида ҳибсга олингач, 9 ой қамоқда сақланади. Кейинчалик тергов натижаларига кўра айбсиз деб топилиб, озодликка чиқарилган. Аммо 1931 йили “Бадриддиновчилар гуруҳи” аъзоси сифатида Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 63-моддаси билан аксилинқилобчи сифатида қайта ҳибсга олинган.

1932 йил 5 май – 15 июнь Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган СССР Олий суди сайёр сессиясида суд таркиби Антонов-Саратовский, А.Азол, Р.Юнусбеков, Смолицкийдан иборат бўлган. Олий суд прокурори ёрдамчиси Р.П.Катанян қораловчи, Мўмин Усмонов жамоат қораловчиси, адвокатлар жамияти аъзолари Сальников, Аҳмедов, Полонская, Ниёзов иштирокида 109-сонли иш кўриб чиқилган.


Маҳмудхон Аҳмадхоновнинг совет ҳукуматига қарши аксилинқилобий кайфиятда бўлганини, турли яширин ташкилотларда фаолият олиб борганини асослаш учун судга бир қанча гувоҳлар чақирилган. Суднинг 8 май кунидаги кечки мажлисида гувоҳ Раҳмон Юсупов ўз баёнотида айбдор Маҳмудхон Аҳмадхонов ҳақида шундай кўрсатма берган: *“Аҳмадхонов “Шўрои ислом”нинг масъул котиби бўлиб ишлаган. Мухторият ҳукумати йиқитилгандан сўнг қўқонлик Маҳмудхон қори билан Андижонга қочиб келиб жон сақлаган. Аҳмадхонов Фарғона вилоят маориф мудири бўлиб турганида махсус мактаблар ташкил этиб, Раҳмон қўрбоши, Абдусалом бойвачча кабиларнинг ўғилларини тарбиялаган”.*

1917–1920 йилларда Анвар Пошшо томонидан “Шўро иттифоқини йўқ қилиш учун бирлик ва тараққиёт” режаси тузилиб, у мактабларда тарғиб қилинади. Унга кўра аксилинқилобчиларнинг партия ва комсомол сафига аъзо бўлиб киришини ташкиллаштириш, босмачилар сафларида мустаҳкам бирлик ва ягона бошқарувни таъминлаш, ҳеч нарсадан тап тортмай пахтачилик ривожига қарши кураш олиб бориш, керак бўлган тақдирда қизиллар томонига ўтган деҳқонларнинг қўлларини ва қулоқларини кесиш, мутахассислар билан алоқада бўлишни мажбурий шарт қилиб қўйиш вазифа қилиб белгилаб берилган. Бу шартларни бажаришда Маҳмудхон Аҳмадхонов ҳам фаол қатнашганлиги қайд қилинган.

Суднинг 1932 йил 9 майдаги йиғилишида мухбир Мирза Ҳотам Олимов қуйидагиларни айтади: *“1928 йилнинг ёз мавсумида айбдор Мусаханов уйида йиғилиш бўлиб, унда Қўқон аксилинқилобчиларидан Ашурали Зоҳирий, Маҳмудхон Аҳмадхонов, Лутфилло Олимий, Абдулла Раҳмат, Мухтор Муҳаммадий, Мамат Ҳайдаров, Саъдулла Қосимов, ҳозирда айбдор бўлган Шамси Бадриддинов ва бошқалар қатнашдилар. Ичкиликдан сўнг “Ватан, миллат қайғуси” бошланган. Маҳмудхон Аҳмадхонов “мамлакатни чипта ковушлар, маймунлар босиб кетганини” сўзлаб кўзёш қилган. Саъдулла Қосимов эса столни уриб “Биз уларга кўрсатиб қўямиз” деган. Масала жиддийлашиб кетгандан сўнг “ёт унсур”лар чиқариб юборилиб, ўзлари мажлисни давом эттирганлар”.*

Орадан уч кун ўтиб “Қизил Ўзбекистон” газетасининг 1932 йил 12 май сонида “Торт қўлларингни мухбирдан” номли мақола чоп этилган. Мухбир Комил Алиев сайёр суднинг 10 май кунги йиғилишида гувоҳ сифатида таклиф қилинган Мирза Ҳотам Олимов кўрсатмаларини баён қилиб ўтган: *“Мен Маҳмудхон Аҳмадхоновнинг совет ҳукуматининг муҳим органларида бошлиқ, ўринбосар ва аъзо бўлганини тасдиқлайман. Лекин Аҳмадхонов бу лавозимларда туриб 16 мингдан зиёд қуролланган “босмачи”ларни қайси бирини бурнини қонатди, аксинча у отасидан қолган 2 та бешотар, 4 та ўнлиотар, 3 та тўппончани босмачиларга узатиб, босмачиларни қурол билан таъминловчиларнинг олдинги қаторидан жой олди. Инқилоб Қўмитасида раис бўлиб турганида турк зобитларидан бўлган Мустафо Субҳий, Аҳмед Фикрий билан доимий алоқа сақлаб, улар воситаси билан қўқонлик Мирза Восий Қодирий, Соли босмачиларни Туркияга ўқишга юборган.”*

Судда давлат қораловчиси Катанян Аҳмадхоновга шундай айб қўйган: *“Аҳмадхонов 1917 йилдан аксилшўровий курашнинг фаол аъзоси. Қўқон мухторияти ва Ленин миллий сиёсати ўртасидаги, “Миллий иттиҳод” билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ўртасидаги, Дутов билан Ленин ўртасидаги фарқларни ўзича таҳлил қилган. Яна у 1929 йилда хотин-қизларни 30 йилдан кейин озодликка чиқариш керак, ҳали “Ҳужум”га тайёр эмасмиз” деган. Шўро маориф ишларида раҳбарлик вазифасини ишғол қилиб, мактабларни бой, савдогар, босмачилар болалари билан тўлдирган. Шу йўл билан аксилинқилобчилар учун ёш кадр ва ўринбосарлар тайёрлаб берган. 1929 йилда Аҳмадхонов хонадонида яширин йиғилиш ўтказилган. Унда С.Қосимов, Ш.Бадриддинов ҳам қатнашган. Йиғилишда совет ҳукуматига қарши кураш вақти етгани айтилиб, уни амалга ошириш йўллари муҳокама қилинган. Мен Аҳмадхоновни юқоридаги ҳаракатлари ҳатто 1931 йилда ҳам давом этганини ҳисобга олиб, унга отув жазоси берилишини талаб қиламан”.*



Суд жараёнида “бош айбдор” Ўзбекистон ССР Олий суди собиқ прокурори Шамсиддин Бадриддиновдан маслакдоши Маҳмудхон Аҳмадхонов ҳақида сўралганда, уни Қўқонда инқилобий қўмитага раислик қилган пайтдан бери танишини, партия томонидан берилган вазифаларни бажаришда камчиликларга йўл қўймаганини, унга қўйилаётган айблар бирор асосга эга эмаслигини таъкидлаган. Бироқ суд коллегияси “айбдор”ни ва уни оқловчиларнинг фикрларини умуман эътиборга олмаган. Маҳмудхон Аҳмадхонов Ўзбекистон Жиноят қонунлари тўплами 63-моддасида кўрсатилган жиноятларда айбдор деб топилган ва 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган.

Суд ҳукми билан Аҳмадхонов 8 йил давомида турли концлагерларда жазони ўтаган. 1939 йилда муддатидан олдин озодликка чиқиб, Қўқон шаҳрида савдо ишлари билан шуғулланган.

Аммо 1942 йил 19 апрелда Фарғона области прокурори адлия катта маслаҳатчиси Г.В.Коргиннинг 7-сонли ордери билан НКВД ходимлари Қўқон шаҳри Боғибўстон кўчаси 32-уйда яшаётган Маҳмудхон Аҳмадхоновни аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда фаол иштирок этган, деб айблаб яна ҳибсга олади.

Маҳбус М.Аҳмадхонов 1942 йил 9 ой давомида Қўқон, кейин Тошкент шаҳридаги турмаларда тергов қилиниб, тергов давомида бир қанча гувоҳлардан кўрсатмалар олинган. Гувоҳ Умид Ҳусаинов терговда М.Аҳмадхоновни 1917 йилдан бери танишини, инқилобдан аввал Қўқоннинг катта савдогарларидан бири бўлганини, Туркистон мухторияти фаолиятида фаол иштирок этганини, “Шўрои ислом” ташкилотининг котиби бўлганини, кейинчалик “Миллий иттиҳод” ташкилотининг аъзоси бўлганлигини қайд этган.

НКВД бўлим бошлиғи ўринбосари Гайнетдинов, тезкор вакил терговчи Василенко Аҳмадхоновни яна тергов қилган. Ундан айрим савол-жавобларни ўз ҳолича келтирамиз:

– Сиз қачон “Шўрои ислом” миллатчи ташкилотида котиб бўлгансиз?

– Мен ҳеч қачон “Шўрои ислом” ташкилотига кирмаганман, Бундай ташкилотдан хабарим йўқ.

– Сиз кейинчалик “Миллий иттиҳод” ташкилоти котиби бўлгансиз ва яшаб турган уйингизда ноқонуний мажлислар ташкил қилгансиз.

– Мен ҳеч қачон бундай мажлисларни ташкил қилмаганман.

– 1931 йилда нима сабабдан судлангансиз ва қандай жазога ҳукм этилгансиз?

– 1932 йил Республика прокурори ёрдамчиси Бадриддинов иши доирасида судланганман. 10 йил озодликдан маҳрум қилинганман, Сибирдаги ва яна бошқа ҳудудлардаги қамоқхоналарда муддатни ўтаганман, 1939 йилда муддатидан аввал озод қилинганман.

– Қамоқдан қайтгач, қайси маҳаллий миллатчилар билан алоқада бўлгансиз?

– Қамоқдан қайтгач ҳеч қандай миллатчилар билан алоқада бўлмаганман.

– Терговга маълумки, қамоқдан келибоқ, аксилинқилобчилар Абдурауф ҳожи Абдураҳмонов, Аббос ҳожи Калонхўжаев, Расулжон Маъмурбоев, Ҳайдар Али Саримсоқов, Бобобек Тошбоев, Азимжон Болтабоев билан алоқаларингизни тиклагансиз. Тўғри гувоҳлик берган ҳолатда қачон ва қанчалик тез-тез учрашганлигингиз ҳақида маълумот беринг.

– Юқорида номлари келтирилган шахслар билан қамоққача ва қамоқдан сўнг кўчада оддий таниш сифатида учрашиб турганман. Улар билан бошқа ҳеч қандай алоқам бўлмаган (ЎзР ДХХ архиви П 25090-иш, 58–60-варақлар).

Тергов жараёнида айғоқчиларнинг чақув маълумотлари ҳам келтириб ўтилган. “Ёзувчи” лақабли агентнинг маълумотида 1939 йил 23 декабрь куни Жакбар Ёқубов хонадонида таниқли мухториятчи Ёқубжон Эшон ўғли, таниқли меценат, жадид мактаби ўқитувчиларига ёрдамчи бўлган Ҳадябек Қувватбеков, Олим Аминов, Аҳад Ризаев, Жавлон Раҳматов, Аминжон Ҳамидов иштирокидаги йиғин бўлади. Унда Маҳмудхон Аҳмадхонов: *“Мен 8 йил турли жазони ўташ лагерларида кўп аянчли воқеаларга гувоҳ бўлдим. У ердаги маҳбусларга бўлган муносабатларга ҳатто ҳайвонлар ҳам чидай олмайди, ётиш ва овқатланиш жойлари ўта хароб, меҳнатга яраша овқат берилмайди, буни устига темир интизом жорий қилинган. Бу зулмлардан замонамизнинг энг сара ва билимли, ҳурматли кишилари ўлиб кетди. Лагерда айбдорларми, айбдор бўлмаганларми барчани қисқа муддатда мавжуд тузумга нафрати ортади ва аксилинқилобчига айланади. Мен турли миллат вакилларини ҳамжиҳатлиги ва сабр билан ишлаш қобилиятини кузатдим. Бу шароитларга бошқа миллат вакиллари чидай олмади, ўзбек ва тожикларгина чидади ва иродали бўлди. Лагерларда деярли барча етакчи стахановчилар бизнинг халқ вакиллари эди”.* Суҳбатга Қувватбеков қўшилиб, қуйидагиларни айтди: *“Бизда буюк Шарқ ва рус маданияти ривожланган ва ривожланмоқда. Руслар ўз маданиятини қаердан олган? Бутун дунё Шарқнинг маданий бойликлари асосида ривожланмоқда, шу жумладан рус халқи ҳам* (ЎзР ДХХ архиви П 25090-иш, 82-83 варақлар)”.

Яна бир агентнинг 1942 йил 29 июнь кунги маълумотида: *“Япония дунёнинг барча мусулмонларига битта давлат тузишига ёрдам қилишга ваъда бермоқда. Ҳозирги кунда Ҳиндистоннинг Калькута, Бомбей, Деҳли, Пешавор каби шаҳарлари аҳолисининг 170 миллионга яқини мусулмондир. Улар асрлар давомида ўз мустақиллигини орзу қилиб яшаган. Тез орада мустақилликни қўлга киритишади. Бироз қийинчиликлардан сўнг мусулмонлар олами бу лаънати инглиз ва руслар истибдодидан озод бўлади* (ЎзР ДХХ архиви П 25090-иш, 85-варақ)*”,* деган.

Айблов хулосасида “Руслар маҳаллий миллат вакилларини ўта маданиятсиз деб камситмоқда, аслида эса руслар маданиятни ўзбеклардан ўрганган”, “Совет давлати бизнинг давлат эмас”, “Солиқларнинг ортиб бориши аҳолини қашшоқлаштирмоқда, бу ҳолат яшашни қийинлаштирмоқда, бунга қарши курашиш керак”, деган ташвиқотларни олиб борганликда, шунингдек, Германия ҳужуми совет ҳокимиятини саросимага солиб қўйди. Биз бу вазиятдан унумли фойдаланишимиз, бирлашишимиз керак”, деб оммани чалғитгани кўрсатиб ўтилади. Оқибатда унинг айблов иши Ўзбекистон ССР НКВДсининг “учлиги”га юборилган, ўзини эса Тошкент турмасига ўтказишган.

1942 йил 1 октябрда ЎзССР прокурори ўринбосари А.Полянский жиноят иши хулосасига кўра Маҳмудхон Аҳмадхоновни отувга ҳукм қилишларини сўраган.

Бироқ Ўзбекистон ССР НКВДси “учлиги” “айбдор” ишини қайта ўрганиб чиқади ва 1943 йил 20 февралдаги қарорига кўра Маҳмудхон Аҳмадхонов 10 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинади (ЎзР ДХХ архиви П 25090-иш, 207-варақ).

Унда жазо муддати 1943 йил 20 февралдан бошлаб ҳисобланиши, маҳбус Ухта шаҳрига яқин бўлган Ухта ишчилар посёлкасида жойлашган иссиқлик энергияси саноатига мослашган ахлоқ тузатиш меҳнат лагерига юборилиши белгилаб қўйилган. Лагердаги шароит шу қадар оғир эдики, Маҳмудхон Аҳмадхонов йил охирига етмасдан 1943 йил 10 декабрь куни аянчли тарзда вафот этади.

Узоқ йиллар мобайнида оила аъзоларига Маҳмудхон Аҳмадхоновнинг тақдири ҳақида ҳеч қандай маълумот берилмаган. 1960 йил 15 июнь куни Маҳмудхон Аҳмадхоновнинг хотини Қўқон шаҳри Низомий кўчаси 47-уйда яшовчи Тўшахон Аҳмадхонова Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги давлат хавфсизлик хизмати раисига ариза билан мурожаат қилган. Унда қуйидагиларни баён этган: *“Турмуш ўртоғим Маҳмудхон Аҳмадхонов 1942 йили НКВД ходимлари томонидан ҳибсга олинган вақтида бутун мол-мулклар билан бирга бизга тегишли бўлган шахсий ҳужжатларимизни ҳам олиб кетишган. Ўзбекистон ССР Олий суди томонидан турмуш ўртоғим М.Аҳмадхонов “айб”сиз деб топилди ва унинг номи оқланди. Шу боис, Сизлардан турмуш ўртоғим М.Аҳмадхоновни партия сафига тиклашни ва бизга тегишли бўлган ҳужжатларни қайтаришингизни сўрайман”.*

Жабрланувчининг аризаси кўриб чиқилмаган, унга жавоб ҳам қилинмаган.

Фожиа шундаки, Маҳмудхон Аҳмадхонов 1942 йил 28 апрель куни қамоқхонада ўз дастхати билан тўлдирган “маҳбус анкетаси”да “оилавий аҳволи” деган бандига ота-онасини вафот этганлиги, хотини билан 1935 йилда ажрашгани, синглиси – 1902 йилда туғилган Робия Аҳмадхонова борлигини ёзган, холос. Бизнингча, Маҳмудхон Аҳмадхонов оила аъзолари ҳақидаги маълумотларни яширган, уларнинг кейинчалик сўроққа тортилиши, “ёт унсур”, “халқ душмани” оиласи, фарзанди” деган ном билан қатағон домига тортилишини олдиндан англаган бўлса керак.

Мудҳиш миллий ва ижтимоий зулм, совет режимининг қатағон сиёсатига қарши мардонавор курашган, ўша режимнинг ноҳақликларини фош эта олган, миллий ғурур ва тарихий қадриятларнинг топталишига қарши турган, бутун борлиғини адолат ишига сафарбар этиб, эрк, ҳуррият учун кураш олиб борган Маҳмудхон Аҳмадхонов адолатсиз тузум, тоталитар режим туфайли қатағон қурбони бўлди. Унинг босиб ўтган аянчли, машаққатли, лекин шарафли ҳаёт йўли ҳозирги ва келгуси авлодлар учун ибрат мактаби вазифасини ўтайди.



Bədriddinoflər sodə

„TART qollarьnпь mухвьrdan!“

guvah - Mirzəxətəm Əlimof davam etədi

·Menin əjədar Əhmədxanof ilən boliqan maçaram, addьь bir çançal bolmasdan, bəlki sinfli, məfkyrəvii kyraş edi. Cynki, biz hər ikimizhər iki sinifnin oqullarь edik. Bunьn ystigə, menin atam Əhmedoflar jeridə qul ornьda 24 jьl işlə. nəticədə, Əhmedxanoflar eşigidən tepikilənirxorlanьb, həjdəldi.Əzimesə, jaşlьqcaqlarьnпь Əhmədxanoflarnьn çuvazlarьnь həjdən atxanalarьnь t a z a l a v etkəzdim. Sunьn ycyn həm, eksploatator Əhmedxnoflarqa, unьn və mas ləkdəslərinin məfkyrələrigə qarьь en tijədən cьqarьlqanьnь bələndь avaz ilən b'lan qьldь və partijə biletini şu anda-jaq tartьb aldь.

Əlimofgə nisbətən Farqana okrug partija k o n t r o l komisijasitamamьndan emas, Orazata tərəfidən verilgən bu çaza —Əhmədxanoflar nuqtaьb nəzəridən çydə jenil edi. Ular ycyn xumar tarqata turqan bir nərsə —Əlimofnin hajatьnь aytynlaj sitirişdən bəarat edi.Sunьn ycyn həm bu ur bqətcь kontrlar muxвr-Əlimofni öldiriş planьnь cьzьşqa kirişdilər.

ozidə, 4 ajnьn icidə Farqana vadьsьdan 5 tə muxвr. öldirildi. Xususan a'zaki mə'lymat veryvci (yskor) Zьjautdin əkə kyppə-kyndyzi dyşmənlər tamamьndan sojьlьb taşlandь.

Ortaq **Katanjan,** şahdnьn bu çavabnь təkmillən şundaj dedi;

— Ortaq sodlar! Özbekistan işçi—dьjqan muxвrlarь öz qatarlarьdan bir munca kyraşcan-faal ortaqlarnь çoqatьb, dyşmən qolьda qurban verdilər. Bu qanlь vaqь'alar işçi-dьjqan muxвrlarьnь qattьq hajaçançqa saldь. «Özbəl Özbekistan», «Jəni Far-

“Қизил Ўзбекистон” газетасининг 1932 йил 12 май сонида эълон қилинган “Торт қўлларингни мухбирдан” номли мақола.

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор
Ўктамбек УБАЙДУЛЛАЕВ,
тарих фанлари номзоди

ХОТИРА АЗИЗ



ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).

Абдулҳай Тожиев – 1899 йил Тошкентда туғилган. Саккиз ёшидан бошланғич мактабга кирган. Уч йиллик рус-тузем мактаби ва олти ойлик муаллимлар курсини, кейинчалик Москвадаги Коммунистик университетни тугатган. Қизил профессорлар институтида ўқиган. У Ўзбекистон Компартияси Тошкент область партия комитети масъул котиби, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети тарғибот ва ташвиқот бўлими мудири, “Туркистон” газетаси муҳаррири, Бутуниттифоқ советлари Марказий Ижроия Комитети Миллатлар совети котиби ва ЎзССР Советлари Марказий Ижроия Комитети раиси ўринбосари лавозимларида ишлаган. У “Иттиҳод ва тараққий” ташкилотининг Сирдарё область қўмитаси аъзоси бўлган. 1937 йил 3 августда Тошкентда қамоққа олинган ва Москвада 1938 йил 27 апрелда бўлган суд қарорига кўра отиб ташланган. Вафотидан сўнг оқланган.

Заҳириддин Аълам Қосимов – 1861 йили Андижон шаҳрида туғилган. Эски усулдаги мактаб ва мадрасада таҳсил олган. Ислом ҳуқуқшуноси бўлган. Туркистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида дин арбоби сифатида фаол қатнашган. Туркистон мухториятини қўллаб-қувватлаган. “Муъинул ислом” (“Ислом кўмакчиси”), “Шўрои ислом” уюшмалари аъзоси, 1918-1919 йилларда “Халойиқ”, “Равнақ ул-Ислом” нашрлари муҳаррири, “Миллий иттиҳод”, “Иттиҳоди ислом”, “Миллий истиқлол” ташкилотлари аъзоси бўлган. 1922 йилда “Нашри маориф” ва “Маҳкамаи шаърия” жамиятларининг нашрида бош муҳаррирлик қилган. 1923–1936 йилларда Туркистон, Ўзбекистон диний назоратида ходим лавозимида ишлаган. 1923 йилда Уфа шаҳридан Қуръони Каримнинг “Ҳазрати Усмон мусҳафи”ни олиб келиш делегациясига бош бўлган. 1936 йил 26 июлда ЎзССР НКВД давлат хавфсизлиги бошқармаси ҳисоб архив бўлими бошлиғи, давлат хавфсизлиги кичик лейтенанти Яковлев ЎзССР НКВД лагерлар, меҳнат посёлкалари ва қамоқхоналар бўлими бошлиғи Шишмаревга ёзган хатида битилган маълумотларга кўра, қаҳрамонимиз ЎзССР Олий суди махсус коллегияси қарори билан 1936 йил 3 июнда 8 йил қамоқ жазосига тортилган. Мазкур хатда Яковлев жазони Ўрта Осиё лагерининг Нориндаги бўлимида ўтаётган Заҳириддин Аълам Қосимовни 1936 йил 17 сентябрь куни ЎзССР НКВД коменданти, давлат хавфсизлиги катта лейтенанти Шишкиндан Тошкент қамоқхонасига келтиришни сўраган. Заҳириддин Аълами 10–12 киши сақланаётган умумий камерага жойлаштиришни ва уни Убайдулла Тўрахўжаев билан бир камерага қўймасликни тайинлаган. 1936 йил аксилинқилобчиликда айбланиб қамоққа олинган Заҳириддин Аълами қатағон қилиниши билан боғлиқ ҳужжатлар Иттифоқ давлат хавфсизлик хизмати архивида сақланмоқда.

Исмоилжон Алимов – 1900 йили Андижон шаҳрида туғилган. Миллати ўзбек. Савдогар оиласидан. Қамоққа олингунга қадар Андижон райони Шўро қишлоқ совети Сталин номидаги колхозда ҳисобчи бўлиб ҳаёт кечирган. 1937 йил 26 сентябрда ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги Андижон сектори томонидан ўз олдига қуролли йўл билан совет ҳокимиятини ағдариш вазифасини қўйган “Миллий иттиҳод” ташкилотининг иштирокчиси сифатида ҳибсга олинган.

Иш бўйича терговда Исмоилжон Алимов 1919 йили “Миллий иттиҳод” миллатчи ташкилотга аъзо бўлиб кирган. Шу ташкилотнинг топшириғи билан Мирза Тоға қўрбошининг босмачилар тўдасида иштирок этганликда, аксилинқилобий йиғинларда қатнашганликда айбланган. Унга билдирилган айбловни тан олмаган. Вали Шокиров, Ғойиб Тошматов, Юсуфжон Қодировнинг кўрсатмалари билан фош этилган. Иш бўйича Акбарали Ашуров, Бурхон Машрабий билан юзлаштирилиб жиноий айби бўйнига қўйилиб, 1937 йил 13 ноябрда ЎзССР НКВД ҳузуридаги “учлик” қарори билан 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазони Сибирдаги Колим районида ўтаган. Жазо муддати 1947 йили 29 сентабрида тугаши муносабати билан қамоқдан озод қилинган.


Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор

Нигорахон АКБАРОВА,
тадқиқотчи

(Давоми келгуси сонда).

МУҲАММАД ЮСУФ ТАВАЛЛУДИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 14 февралдаги “Муҳаммад Юсуф таваллудининг 70 йиллигини ўтказиш тўғрисида”ги фармойишига кўра, республикамизда шоир таваллуд топган кун кенг нишонланмоқда. Пойтахтимиздаги “Туркистон” санъат саройида бўлиб ўтган хотира кечасида ҳам давлат ва жамоат арбоблари, адабиётшунос олимлар, шоиру ёзувчилар, шеърият муҳиблари жам бўлишди.



“Улуғимсан, Ватаним...”

Тадбирга келганлар дастлаб саройнинг байрамона безатилган фойесида Муҳаммад Юсуфнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган суратлар ҳамда китоблар кўргазмаси билан танишди.

Тадбирнинг тантанали қисми бошланишида Ўзбекистон Кинематография агентлиги ижодкорлари томонидан суратга олинган ҳужжатли фильм ва “Биз бахтли бўламиз...”, “Ўзбекистон” шеърлари шоирнинг ўзи ўқиган видеолавҳаси намойиш этилди. Экранда улуғ шоирларимиз Эркин Воҳидов ва Абдулла Ориповнинг суратлари намоён бўлиб, уларнинг Муҳаммад Юсуф ҳақидаги фикрлари ўқиб эшиттирилди.

Шундан сўнг саҳнага таклиф этилган меҳмонлар атоқли шоирнинг ўзбек адабиёти ва шеъриятида тутган ўрни, инсоний фазилатлари ҳақида сўзлади.


Тадбирга бағишланган бадиий қисмда таниқли ва ёш хонандалар ижросида Муҳаммад Юсуф шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар янгради. Концерт хотимасида Ўзбекистон халқ артисти Севара Назархон ижросида “Ватаним” қўшиғи янграганда бутун зал оёққа қалқди. Йиғилганлар қўшиқни хонанда билан биргаликда куйлади. Бундай ажойиб, таъсирчан хотима Муҳаммад Юсуф шахсига ва ижодига эҳтиромнинг ифодасидир.



Иброҳим ҒАФУРОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони:

– Муҳаммад Юсуфнинг шеърлари янграши билан ҳамманинг юрагига худди ўз шеъридай, ўз яқин дўстининг, қадрдонининг, туғишганининг шеъридай етиб борарди. Шу тобда менинг хаёлимга келиб турибдики, гўё у ўзига бағишланган табаррук анжуманларда қатнашишни истайди, сиз, биз билан ёнма-ён ўтиргиси келади, у ҳақдаги сўзларимизни, шеърларини қандай ўқиётганимизни, наслларга қандай етказаётганимизни эшитгиси келади. У ҳаммамиз учун шундай яқин инсон эди.

Аслида ҳам Муҳаммад Юсуф ўзини ҳаммага яқин оларди, одамларни ака-укасидай, опа-синглисидай кўрарди. У шундай гўзал бир сатрлар ёзганди: “Сен ўчоқ олдида чаққан гугуртнинг учида ловуллаб турса юрагим...” Қаранг, қандай ажойиб, бетакрор сатрлар. Хаёлимда гоҳо шундай туюлади: спортчиларимизнинг шаъну шавкати, зафарлари, жаҳон ареналарида қозонаётган ғалабаларини кўриб, шундан кўнглимиз ўсиб, ўткир исфахон қиличларининг жаранглари янграб тургани каби шоирнинг ҳар бир сатри, ҳар бир қофияси, ҳар бир жумласи ҳеч қачон синмайдиган ўзбекнинг қиличидай садо бераётгандек...



Сирожиддин САЙИИД, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Халқ шоири:

– Муҳтарам Президентимиз адабиётимизга, ёзувчи ва шоирлар ижодига ҳамиша ҳурмат билан ёндашиб келмоқдалар. Айнан шу маънода “Адабиёт – халқнинг юраги” дер эканлар, адабиёт элимизнинг, юртимизнинг дилу жонига сингишини назарда тутганлар. Айни кунларда Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг 70 йиллиги кенг миқёсда нишонланаётгани ҳам ана шу эътибор ва эътирофнинг ёрқин намунасидир.

Муҳаммад Юсуф шеърияти, аввало, Ватан севгисини, Ватанга муҳаббатни ўзида мужассам этгани билан қадрли. Шоир шеъриятининг оҳангдорлиги, жозибаси ўзгача. Шунинг учун ҳам шоир таваллудининг 70 йиллиги юртимизда шеърият, адабиёт, маърифат байрами сифатида кенг нишонланмоқда. “Муҳаммад Юсуф замондошлари хотирасида” деб номланган китобнинг чоп этилиши шоир таваллудининг қутлуғ санасига муносиб туҳфа бўлди.

Биз “Тошкент оқшоми” газетасида Муҳаммаджон билан бирга ишлаганмиз. Бу газетада Муҳаммад “Мақсад Яхшиев” номи билан шеърий луқмалар чиқарарди. Ўша пайтларда иккимиз ҳам фақат оқ кўйлагимизни кийиб юрардик. Навбатчи бўлиб қолган, ёмғирли кунлардан бирида менга қараб туриб “Сирожиддин, бу кўйлакнинг тагидан қовурғаларингиз кўриниб турибди-ку”, деганди. Шунда мен ҳам унга жавобан “Сизнинг кўйлагингиз остидан ҳам қовурғаларингиз, юрагингиз кўриниб турибди”, дегандим. Кейинчалик бу каби ташбеҳлар шеърларга тушди.

Муҳаммаджон кейинчалик катта шоир бўлиб элга танилди. Айни пайтларда турли гўшаларда шоирнинг хотира кечалари ўтказиляпти. Муҳаммад Юсуф ўзини тўкиб, сочиб яшаб ўтган ижодкор эди. Унинг шеърлари ҳамон хизматда. Шоир яратган жуда катта бир шеърият бугун ҳам Ватанни, адабиётни, эл-юртимизни улуғлаш, айниқса, ёшларимизни юксак ватанпарварлик руҳида тарбиялаш йўлида хизмат қилмоқда.



Муслимбек ЙЎЛДОШЕВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими:

– Муҳаммад Юсуф, аввало, камтарин инсон, меҳрибон дўст эди. Шахсан менга яқинларим, устозларим қилмаган яхшиликларни қилганди. Ҳамиша бу инсонни ўзим учун устоз, деб билганман.

Шоир билан “Тошкент оқшоми” газетасида ишлаб юрган пайтларида танишганман. Ўшанда, 20-21 ёшларда эдим. Пушкиннинг бир нечта шеърини таржима қилиб, таҳририятга олиб бордим. Мени Муҳаммаджон Юсуповга рўпара қилишди. Таржималарни ўқиб кўриб, “Ўзингиз таржима қилганмисиз?” деб сўради. “Ҳа”, жавобини эшитгач, “биттасини беришимиз мумкин, қолганларини бошқа шоирлар таржима қилишган”, деди. Кейин ўзимнинг ҳам шеър ёзиш-ёзмаслигимни сўради. “Ҳа, ёзаман”, дедим ва бир нечта қораламаларимни кўрсатдим, суҳбатлашдик, маслаҳатлар берди. Шу-шу қадрдонлашиб кетдик. Таниқли бўлиб кетганидан сўнг ҳам кўплаб тадбирларда, сафарларда бирга бўлдик. “Сиз мени танийсиз” деб номланган биринчи китобимнинг ташаббускори ҳам Муҳаммад Юсуф бўлган.

Муҳаммад Юсуф одамлардаги иқтидорни қадрлар, қўлидан келган ёрдамини аямасди. Одамгарчилиги зўр эди. Акам вафот этганларида маъракаларига айтдим. Бироқ Қорақалпоғистон сафарига кетган экан. Мен эса келмаганига ўзимча хафа бўлдим. Эртасига телефоним жиринглаб қолди ва таниш бир овоз маъюс оҳангда “Муҳаммад акангиз Қорақалпоғистонда ўтиб қолдилар”, деди. Устимдан муздек сув ағдарилгандек бўлди. Мен энг яқин одамларимнинг яна биттасини – қадрдон инсоним, акамни йўқотиб қўйгандим. Халқимиз эса самимий, дилкаш, бетакрор шоиридан айрилганди.



Назира ас-САЛОМ, шоирнинг рафиқаси:

– Бугун барча оила аъзоларимиз учун ниҳоятда бахтли кун бўлди. Шоир Муҳаммад Юсуфнинг 70 йиллигига бағишланган хотира кечалари кўтаринки руҳда ўтаётир. Шуниси эътиборлики, ҳар йили 26 апрелдан бошлаб мухлисларнинг, шеърият ихлосмандларининг хоҳиш-истаги, ташаббуси билан шоирнинг таваллуд кунига бағишланган тадбирлар ўтказилади. Бу Муҳаммад Юсуф шахсига, унинг ижодига муносабат, ҳурмат, эътибордан далолат. 23 йилдан буён бу анъана тўхтагани йўқ.

Фурсатдан фойдаланиб, юртимизда Муҳаммад Юсуфга кўрсатилаётган эҳтиром учун Президентимизга, ҳукуматимизга, халқимизга чин дилдан миннатдорлик билдираман. Бу каби тадбирлар Юртбошимиз томонидан адабиётга, адибларга берилаётган катта эътиборнинг ёрқин намунасидир.

Гулчеҳра УМАРОВА ёзиб олди.

Муҳаммад ЮСУФ,
Ўзбекистон халқ шоири

ҚОРА ҚУЁШ

Достондан парча

* * *

...Соқовни қамашди,
Соқов “душман”ни,
Сиёсий саводсиз,
Анқов душманни...

Қамашди,
Бир кунда,
Пайсалга солмай.
Айби аниқ эди,
Айби маълум эди,
У доҳий отини
Тўғри айтолмай,
Ҳамманинг олдида
“Ишталин” деди!

Соқчига мўлтирар
Соқов,
Қалтирар,
Ўлдиришар энди,
Уни ўлдирар.
Қолди уй,
Қолди – ғурбатхонаси.
Ғурбатхонасида –
Қари онаси.

Яна бир зот кетди,
Шундай қилиб –
Соқовнинг бошига
Етди ўз тили...
Ўрмонда отишди,
Қор эди қалин.
Йиқилди.
Ҳайқириб,
Яшаш-шин Ишта-лин!

Соқовни отишди,
Анқовлиги учун.
Тўғрироғи –
Туғма
Соқовлиги учун.
Қирқ йил бўлди бунга.
Эллик йил бўлди-ёв.
Мана энди,
Соқовнинг онаси –
Ҳақиқий соқов!

Соқов дудуқ эди
Мундай олганда.
Тиллашса бўларди
Ўлмай қолганда.

* * *

Ўттиз еттинчи йил кашфи сизга мана –
Эркакларга алоҳида қамоқхона,
Аёлларга алоҳида қамоқхона,
Болаларга алоҳида қамоқхона...

Ўттиз еттинчи йил кашфи булар бари –
Кўринмасу даҳшат солиб шарпалари,
Келса – яқин келмай, кетса – кетмай нари,
Изғиб юрар Лаврентийнинг лайчалари.

Бу ўлкада энди норғул йигитлар йўқ,
Бойқушлар бор, калхатлар бор – бургутлар йўқ,
Не-не Сулаймонлар, Абдулҳамидлар йўқ,
Қайтармикин? Қайтмоғига умидлар йўқ...

Бедарак йўқолди қанча одам, эсиз,
Сўроқларда ўлди қанча одам, эсиз,
Қийноқларда ўлди қанча одам, эсиз,
Сиртмоқларда қолди қанча одам, эсиз...

* * *

Қисқагина умр кўриб,
узоқ яшаб келаётган зотларга қаранг...
Аҳмад Югнакий

Тушимга киради Қодирий бобом,
Бемадор, бемажол, беҳол, беором.
Эгнига эски бир тўн кийиб олган,
(Шинелдир балки у, кимдандир қолган).

Ўша тўн эгнида похол ҳам бордай,
Бобомнинг юзлари оқарган қордай.
Йўқ, юзи сомонга ўхшайди унинг,
Чарақлаб тургувчи кўзи тўла мунг...

Тушимга киради Қодирий бобом:
– Тур, – дейди, – мунча кўп ухладинг, болам.
Боқ, бу дам айланиб жўхоризоринг,
Ўроғин қайрайди онаизоринг.

У ўриб бўлгунча ризқу зарингни,
Ўйнатиб тур чиқиб, укаларингни.
Ва менинг саломим айт, – дер уларга –
Бобосин соғинган мусичаларга...

Тушимга киради Абдулло бобом,
Оҳ олтин бобом-а, воҳ тилло бобом.
Қаро ер қаърида қон йиғлаб қолган
Акмал Икром бобом, Файзулло бобом!

II

Ўлган ўлди-кетди.
Ҳеч ким қайтмайди.
Нега?
Нима учун?

Бу ҳам муаммо.
Тарих соқов кампир,
Дардин айтмайди,
Айтолмас,
Унутиб ҳам бўлмас аммо.

Мана,
Қодирийни қилишар сўроқ:
“Ўтган кунлар” деган шеър сизникими?
– Ҳа.
Аммо у шеър эмас...
– Жим бўлинг, ахир.
Шеърми ё бошқами, автори сиз-да.
Тамом.
Бошқа гапга қолмайди ҳожат.

Терговчи – пайғамбар,
Терговчи – худо.
Темир зотдан келган буйруқ – ижозат,
Ўзбек яна битта ўғлидан жудо.

Айби шуки...
Айби...
Ким билсин буни,
Балки, жуда ноёб истеъдодидир.
Отишдимикин ё осишди уни?
Балки, ҳукм ижрочиси жодидир.

Жоди деганларин билишмас ёшлар,
Билмагани маъқул бундан кейин ҳам.
Жоди орасига тушганда бошлар
Одам...

Кўзимга ёш тўлар мана шу ерда,
Қўйнимга тош тўлар мана шу ерда.
Кўзимга тор бўлиб қолади олам,
Оҳ, олтин бобом-а, воҳ тилло бобом...
Ўтган кунинг қурсин, Абдулло бобом!

* * *

– Отанг қани, болам-ов?
– Отам Сибирга кетган.
– Онанг қани, болам-ов?
– Онам ҳам бирга кетган...

– Аканг қани, болам-ов?
– У дунёда ухлайдир.
– Уканг қани, болам-ов?
– Кўкрак сўраб йиғлайдир...

– Синглинг қани, болам-ов?
– Синглим ётар чалажон.
– Ўғлим бўлгин, болам-ов,
– Нониз борми, онажон?!

– Укамни не қиламиз?
– Эчки сути берамиз.
– Синглимни не қиламиз?
– Тутмайиз териб берамиз...

– Чолингиз қайда, энажон?
– Чолим Сибирга кетган.
– Ўғлингиз қайда, энажон?
– Ўғлим ҳам бирга кетган.

– Энажоним, энам-ов,
Энди нима қиламиз?
– Энанг ўлсин болам-ов,
Бир кунимиз кўрамиз!

* * *

Тушимга киради Қодирий бобом:
“Болам, оқибатинг йўқ экан, болам...”

“Бўлса агар менинг гўримни топ”, дер,
“Келиб очиқ қолган кўзимни ёп”, дер.

“Ҳаммамизга қабр бир жойдан тегди –
Бари боболаринг ёнимда”, дейди.

Қабрлар қабрга бирлашиб кетган,
Қўллар бўйинларга чирмашиб кетган,
Бамисли шохдан дув тўкилган бодом –
Ётар бепоён майдон тўла одам...

Рутубатли Шимол ўрмонларида
Қайинлар ҳўнграб қуёшни уйғотар.
Қаранг, Чўлпонингиз сўнгги маконида
Беқасам чопонин ёпиниб ётар.

Ётар алпқоматли баҳодирлар қатор,
Акмаллар,
Қодирлар,
Шокирлар ётар,
Ётар Файзуллолар,
Ётар Аҳмадлар,
Худо раҳмат қилгур, худо раҳматлар...

Уларнинг саноғи юлдуздан ҳам кўп,
Юртим, дилбандингдир ҳар гиёҳ, ҳар чўп,
Фидоларинг бўлган фарзандларингдир,
Номдору номсизин хоки пойин ўп!

1988 йил.



АФҒОНИСТОН НАВОИЙШУНОСЛИГИ

ёки 1001 бино – Навоийнинг нияти

Бошланиши 1-саҳифада.



Азизуллаҳ АРАЛ,
афғонистонлик
тадқиқотчи

Адиб туғилиб ўсган заминда у ҳақидаги фольклор намуналари, асарларининг нашри, бадиий ижоддаги ворислари, умуман, Афғонистон навоийшунослигини тадқиқ этиш масаласи соҳада муҳим вазифа ҳисобланади.

Алишер Навоий нафақат улуғ шоир ва таниқли давлат арбоби, балки асрининг ўзига хос муҳандиси, иншоотлар қурилишининг катта ҳомийси сифатида ҳам маълуму машҳур эди. 1480 йилларда Навоий ўзининг ҳисобидан Ҳирот ва мамлакатнинг турли шаҳарларида бир неча мадраса, работ, масжид, хонақоҳ, ҳаммом ва кўприклар қурдиради. У хайрия иншоотлари қуришга шу қадар берилганки, Афғонистондаги ўзбеклар орасида “Алишер Навоий Аллоҳнинг 1001 муборак исмига атаб 1001 та обида бунёд этишни ният қилган”, деган гаплар бугунга қадар етиб келган. Айрим фикрларга кўра, 1001 та иншоот деганда Навоий ёрдами билан муҳтожларга қуриб берилган уй-жойлар ҳам назарда тутилган бўлиши мумкин. Лекин бундай уй-жойларнинг номи ҳам, рўйхати ҳам бизгача етиб келган эмас.

Кўпни кўрган баъзи кексалар, у ҳар тўрт йилда бир марта келадиган кабиса (сакраш) йилининг 366 кунига тенг 366 та обида қуриб, ўзидан ўлмас мерос қолдирган, дейишади. Халқ фикрича, Алишер Навоийнинг қўли сувга ҳам, ерга ҳам, кўкка ҳам етган. Сувда қудуқ, кўприк ва ҳовуз, ерда мадраса, масжид, доруш-шифо (касалхона) қурган бўлса, кўкка тенг ноёб асарлар ёзди.

“Шоҳ истилоҳлари” китоби муаллифи Амин Ҳиравий таъбири билан айтганда, Навоий фаолияти асосида “Хуросоннинг саҳрою даштлари ва шаҳру қишлоқларида масжидлар, мадрасалар, карвонсаройлар, боғлар, зиёратгоҳлар қурилдики, қалам тили уни тасвирлашга ожиздир”. Бугунги Афғонистон ва Эрон ҳудудида Алишер Навоий томонидан жами 370 дан ортиқ хайрия иншоотлари қурилгани ҳақида маълумотлар бор.

“Вақфия” асарида ўз ихтиёридаги улуғ мутафаккирнинг маблағлари ҳисобига қурилган бир қатор обидалар санаб ўтилади. Ҳиротдаги Ихлосия ўқув мажмуаси, Амир Алишер Навоий кутубхонаси, Абдураҳмон Жомий мақбараси, Қирққиз карвонсаройи ва ҳаммоми, Бобо Камол Ҳирот кўприги, Ҳирот Фаноҳия мадрасаси, Нишопурдаги Аттор мақбараси, Машҳаддаги Гилосбулоқ сув йўли, Шоҳ Қосим қабри, Банди Туруқ, Анвор Турбат жоми, Имом Ризо зиёратгоҳи айвони, Санги Бўст карвонсаройи, Таршиз масжиди, Эсфарин работи, Чинорон работи, Сарахс масжиди каби иншоотлар шулар жумласидандир. Кейинги вақтда Сарипул ғишт кўприги, Мозори Шарифдаги Ҳазрат Али қадамжоси, Оқина сардобаси, Балҳдаги Наҳри Шоҳий канали, Андхундаги Бобо Вали ҳовузи ва бошқа обидаларни ҳам Алишер Навоий барпо эттиргани айтилмоқда.

1960 йиллардан бошлаб бугунги кунга қадар Афғонистондаги навоийшуносликка мамлакат олимлари ўзига хос ҳисса қўшиб келмоқда. Булар қаторида Муҳаммад Яъқуб Воҳидий Жузжоний, Абдулҳаким Шаръий Жузжоний, Абдулҳай Ҳабибий, Абдуллоҳ Коргар, Абдуллоҳ Руйин, Саид Муҳаммад Олим Лабиб, Саид Тожуддин Тошқин Баҳоий, Нурулла Олтой кабиларнинг номини қайд этиш ва мазкур рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Бу мамлакат навоийшунослигининг бош хусусиятларидан яна бири – мазкур олимларнинг эски ўзбек ёзуви ва дарий тили, араб ёзувидан таълим ва кундалик фаолиятда фойдаланиш бобида яқинлигидадир. Яъни, Навоий давридан бери давом этиб келаётган эски ўзбек тилига оид матн ва сўзлашув анъанасининг Афғонистонда сақлангани бу юрт навоийшуносларини Навоийга, масалан, араб ёзувидаги Навоий асарлари қўлёзмасига ҳар жиҳатдан яқинлаштиради.

Афғонистонда Алишер Навоийнинг нашр этилган асарлари кўлами ҳам жуда катта ва улар бугунгача севиб мутолаа қилинади. Муҳим бир жиҳати шуки, аллома шоиримизнинг Афғонистонда нашр бўлган аксар китоблари муқовасида эҳтиром билан “Амир Низомиддин Алишер Навоий” тарзида ёзилганини кўриш мумкин.

Ҳазрат Навоий ҳаёти ва ижодига оид бир қатор тадқиқот ишлари жамланган китоблар ҳам мавжуд. Улар ўзбек ва дарий тилида ёзилган. Шунингдек, Афғонистон давлатининг расмий тилларидан бири – паштуда ҳам Алишер Навоийга оид кўплаб мақолалар ёзилганини қайд этиш лозим.

Шимолий Афғонистон вилоятларида маҳаллий ўзбеклар орасида Навоий даври анъаналари ҳозирга қадар давом этиб келмоқда. У ерда ёшу қари ҳамма шеър ёзади ёки ёддан кўп шеър билади. Ўз нутқини шеър билан безайди, фикрини Шарқ мумтоз адабиёти вакилининг қарашлари, шеърларидан парча келтириш билан асослашга ўрганган. Чунки Афғонистон мактабларидаги таълим тизимида, ўрта аср мусулмон Шарқида бўлганидек, шеърнинг ўрни катта. Шу боис бу юрт шоирлари шеър ёзар экан, Алишер Навоийга ўхшашга интилади. Ҳазрат шеърларига назира боғлайди, эргашади. Бунинг натижаси ўлароқ, Афғонистондаги ўзбек зиёлилари Навоийни кўп ва хўб ёдлайди. Мана шундай Навоий йўлидан кетган шоирлар қаторида Домла Бедил, Муҳаммад Олим Лабиб, Мир Муҳаммад Амин Қурбат, Муҳаммад Амин Матин Андхўйи, Муҳаммад Яҳё Ҳафизий Жузжоний, Зикрилла Ишонч, Ғуломсаҳий Вакилзода кабиларни эслаш мумкин. Афғонистонлик ўзбек шоирларининг Алишер Навоий шеърларига мухаммаслари, жавоблари ва эргашиб ёзган шеърларининг ўзигина тўпланса, бир неча жилдлик китоб бўлади. Умуман олганда, Афғонистонда мумтоз адабиёт жанри ва услубида шеър ёзиш анъанаси анча кучли.

Афғонистондаги Алишер Навоий қурдирган обидалар, навоийшунос олимлар ҳамда Алишер Навоий анъаналарининг давом этиб келиши ҳақидаги маълумотлар айни соҳанинг бугунги мутахассислари қарашлари-да кенгайишига ёрдам беради, албатта.

ЭКСКУРСИЯ


“АБАДИЙ ЯШАМОҚ, КУЛМОҚ ИСТАЙМАН...”

1940 йил. Яйдоқ дала. Унда-мунда ўт-ўлан ўсиб турибди. Бир эркак ва аёл қадамларини секинлатиб, тўхтади.

– Шу ерми? – деди аёл кўзлари қувнаб.

– Шу... – деди эркак чуқур нафас олиб чиқаргач.

Аёл бўм-бўш ерга ҳавас билан тикилиб, шивирлади: “Бизники! Ўзимизники! Энди ижарама-ижара сарсон юрмаймиз!”



Ростдан ҳам, уч кўчиш – бир ёнғинга тенг, деган гап бор. Бизгача етиб келган бебаҳо қўлёзмалар қанча “ёнғин” кўрмади дейсиз?! Салобатли биноларнинг минбарида оғиз кўпиртириб “Қўлёзмалар ёнмайди!” дейиш осон... Лекин бу бир томондан жуда тўғри гап. Ёнингда ижодингни сендан, сени ижодингдан кўпроқ севиб, ардоқлагувчи умр йўлдошинг бўлса, қўлёзмаларинг Нуҳ тўфонидан ҳам омон қолиши тайин.

Хуллас, эр-хотин шу йилнинг ўзидаёқ уй қуришга киришиб кетди. Бу ёғини сўрасангиз, йўқчилик. Ҳали-замон уруш бошланадиган. Ҳатто алифдеккина мих ўлгур ҳам қаҳат. Кундузи чироқ ёқиб топилгани ҳам аввал ишлатилган мих. Ҳечқиси йўқ. Ҳунар билан меҳнат омон бўлсин... Мана, нафис лирикага йўғрилган шеърлар битган, Пушкиннинг “Евгений Онегин” шеърий романини маҳорат билан таржима қилган, “Бахтигул ва Соғиндиқ”, “Қаҳрамон қиз”, “Гулноз”, “Камончи” сингари достонлар ёзган, “Навоий” романининг дастлабки қораламаларини қоғозга туширган бармоқлар занглаган ва қинғир-қийшиқ михларни ростламоқда. Уларга бир-биридан инжа картиналар яратган, фақат мўйқалам ва мойбўёққа ўрганган ингичка бармоқлар ёрдамлашмоқда. Бу қўллар уйнинг пойдеворидан томигача бир-бир тегиб ўтди. Эҳ-ҳе, салқин кузларда лойларга ботгани-чи? Икковлон инига хас ташиган қушлардек ғишт бўладими, тахта бўладими, ишқилиб, тўрт-та деворни тиклашга ярайдиган қурилиш ашёларини шу саҳнга тўплади. Бу уйга ижодкорлар оиласи 1940 йилнинг 30 декабрида кўчиб ўтди.

Алқисса, ҳозирги Ойбек уй музейи ана шундай барпо бўлди.

Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек ҳамда Зарифа Саидносированинг фарзандлари – Омонбек, Бекжон, Гулранг, Суюнбек шу уйда камолга етди. Оиланинг яхши-ёмон кунларига гувоҳ бўлган мазкур хонадон адиб таваллудининг 75 йиллиги муносабати билан 1980 йилда уй-музейга айлантирилган. Аввало, Зарифа Саидноснрованинг ҳиммати ва жасоратига таҳсин айтмоқ лозим.

Биринчидан, қатағон даврларида ҳам, оғир хасталикда ҳам, тўқчилик ва йўқчиликда ҳам Ойбекни-да, ўз ижодини-да ташлаб қўймади. Турмуш ўртоғининг қўлёзмалари, китоблари, таржималари қаторида отаси – машҳур маърифатпарвар жадид, тадбиркор Саидносир Миржаловга оид буюмларни, шунингдек, ўзи яратган картиналарнинг бизгача етиб келиши учун жон куйдирди.

Энди муҳтарам ўқувчини юқорида таърифлаганимиз – музейга таклиф этсак.

Дарвозадан киришингиз биланоқ икки қаватли бино кўзга ташланади. Йўқ, бу бино кейинчалик қурилган. Юқорида тасвирланган уй эса чап тарафда. У беш хонадан иборат. 10 мингдан ортиқ экспонатга эга. Бу қадимий уйни ҳар йили 13 мингдан зиёд киши кўргани келади.

Нақшинкор эшикдан мўъжаз айвончага кирамиз. Марҳамат. Биринчи хонани “Ғаройиб усиғар” десак ҳам бўлади. Чунки унда адибнинг болалик ва ёшлик даврига оид материаллар жамланган. Суратларга қараркансиз, беихтиёр “Болалик хотираларим” ёдингизга тушади. Рўпарангизда рассом Борис Бринских чизган сурат шоирнинг болалиги ўтган Говкуш маҳалласи ҳақида сўзлаган бўлади. “Бола Алишер” қиссасини битган ёзувчининг болалигидан парча кўришни истаганлар деворлаги суратга боқсин. Унинг ёнида акаси Исомуҳаммад ва синглиси Шафоатнинг 60-йиллардаги суратлари... Маълумки, Ойбек “Намуна” мактаби, Наримонов номидаги техникумда, кейинчалик Ўрта Осиё давлат университетининг иқтисодиёт факультетида ўқиган. Ўнг томондаги деворда ўша пайтларда олинган суратлар осилган. Бундан ташқари, мазкур қисмда шоирнинг илк қораламаларидан нусхалар, ўсмирлик даврида севиб мутолаа қилган асарларидан намуналар ва ижодига туртки берган адибларнинг китоблари жой олган.

Хўш, Мусо Тошмуҳаммад ўғли нега ўзига Ойбек тахаллусини танлаган? Шоир болалик чоғларида осмонга термилишни жуда севган, онасига “ойни олиб беринг” дея бот-бот илтимос қилган экан. Улғайиб, қоғоз қоралай бошлаган кезларда Ойбек бўлишни истаган. Мана энди, бу хона деразаси токчасидан Ойбек тахаллусининг рамзий маъносини ифодалайдиган ой тасвири Тошкент осмони узра мўралаб туради.

Музейни кўздан кечираркансиз, айрим китобларнинг бир чети йиртилган, таъбир жоиз бўлса, чайналганига гувоҳ бўласиз. Сизнингча, бу кимнинг иши? Албатта, Ойбек домланинг! Хўш, нега? Адибнинг рафиқаси “Ойбегим менинг” китобида турмуш ўртоғи бу одатини бутун умр ташлай олмаганини ёзган. Севимли китобларини қайта-қайта мутолаа қилган чоғлари беихтиёр саҳифа четларини тишлаб оларкан-у, узоқ ўйга толаркан... Кимдир Ойбек ҳақида кино олса, эътиборда тутиши лозим бўлган муҳим детал бу.

Иккинчи хонага ўтамиз. Бу хонада севимли адибимиз қизғин ижодга шўнғиган, ўнга яқин достон ёзган, таржималар билан жиддий шуғулланган. Хонага кириб, 1930–1940-йиллар ҳақида ҳикоя қилувчи суратлар ва ҳужжатларни кўздан кечираркансиз, дилингизни аллақандай ҳадик қоплаб олиши табиий... Тасаввур қилинг, бутун оламни унутиб, қоғозга мук тушиб, ёзяпсиз ва яратилажак асар қаҳрамонлари, поэтик туйғулар, оламшумул фикр-мулоҳазалар бошингизда, руҳингизда, бутун танангизда ғужғон ўйнамоқда. Бундай пайтда “тиқ” этган овоз ҳам миянинг қоқ ўртасига болта ургандек бўлади. Борлиғингизни қоплаб олган оламдан ташқарида таҳликали вазият етилган. Кеча устоз деб этагидан тутган инсонингиз (Чўлпон) отувга ҳукм этилган. Манаман деган ёзувчи-шоирлар қаттол тузумнинг душмани сифатида йўқ қилинмоқда ва тайинки, илму маърифат, зеҳну заковат, меҳру муҳаббатга бегона бўлган ажалнинг югурдаклари ҳализамон мана шу эшикни ҳам тақиллатиб қолиши мумкин... Таассуфки, шундай бўлди ҳам. “Тақ-тақ-тақ...”



Ёзувчилар уюшмаси аъзолигидан чиқарилган, Тил ва адабиёт институтида ишдан бўшатилган, газета ва журналлар эса асарларини босмай қўйган бундайроқ адиб ижодий фаолиятини йиғиштириб қўйиши, бола-чақа боқиш илинжида ўзини ҳар бозорга солиши, керак бўлса, яқин дўстлари, сафдошларини сотиб, тирикчилик қилиши мумкин эди. Аммо Ойбек эмас! У ҳаммасига қўл силтаб, “Қутлуғ қон”ни бошлаб юборди. Мана бу шишали стендда шу романнинг илк нашри ва турли тилларга таржима қилинган нусхалари турибди. Қайси тиллар экан, демоқчимисиз? Озарбайжон, уйғур, словак, чех ва табиийки русча...

Кейин уруш бошланди. Энди уйли-жойли бўлган, буёғига ҳеч нимага чалғимай, фақат ижод қиламан деган ёзувчи 1942 йили санъаткорлар бригадаси таркибида фронтга жўнатилди. Жангда толиққан аскарларни руҳлантириш учун айтилган қўшиқлар, шеърлар, рақслар битгач, ҳамма ортга қайтди. Ойбекдан ташқари...

Бир шеърида шундай ёзади:

Қошлар, киприклар қиров –
Юраман ҳушсиз, ҳайрон.
Қорним оч, эсга келмас
Халтамдаги ғиштдек нон…

Ғиштдек нон... Ғиштдек нон... Ҳа-я! Буханка! Уруш ўчоғига йўл оларкан, “халта”сидаги нонни битта блокнотга алмашади. Унга олти ой кўрган, ҳис қилган, билганларини ёзади. Бу қораламалар орадан йигирма икки йил ўтгач, “Фронт бўйлаб” номли китобга айланади. Бунисига нима дейсиз? Ҳов, ана ўша китоб!

Қаёққа шошяпсиз? Нариги хонага? Тўхтанг, аввал мана бу расмларга боқинг. Миср, Ўрта ер денгизи, Покистон, Англияда олинган суратлар. Урушдан кейинги сафарлардан эсдаликлар. Булар – фарзандлари, оиласи, яқинларига йўллаган телеграммалари... Энди кетдик, кейинги бекат – “Алишер Навоий”!

Учинчи хонадаги экспонатларнинг аксар қисми улуғ мутафаккир, ғазал мулкининг султони Алишер Навоий билан боғлиқ. Бу ерга “Навоий” романининг қўлёзма, илк нашри ҳамда бошқа тиллардаги таржималари жойланган. Роман қозоқ, туркман, озарбайжон, тожик, араб, инглиз, украин, немис, рус, белорус, форс, эстон, латиш ва ҳатто (!) хитой тилларига таржима қилинган.

Улуғ адибнинг шахси ва ижодига бағишланган асар Ойбек домла фронтга жўнаб кетишидан бироз аввал якунланган. Маълум сабабларга кўра, ўша йилларда унча оммалашмайди. Кейинроқ “Маҳмуд Торобий” тарихий драмаси ёзилди. Ундан ҳам битта нусха қўйилган. 1943 йили Ўзбекистонда Фанлар академияси ташкил этилгач, Ойбек, Ғафур Ғулом унинг ҳақиқий аъзоси этиб сайланади. Адиб 1951 йилгача академиянинг гуманитар бўлими бошлиғи бўлиб ишлайди. Уруш тугагач, шоир Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси сифатида иш бошлайди.

Навбатдаги стенднинг номи ўзгача: “Ойбекка қарши ҳужум”. Очиғи, бу ҳақида ёзгим йўқ. Кимга қизиқ бўлса, келиб кўрсин. Фақат бир ҳужжат таскин беради. Ойна ортида турган кечирим хати... Шоирнинг шогирдидан. Буни ҳам музейга келиб, хатни ўқиганлар айнан ким ёзганини билиб олади.

Маълумки, Ойбек домла талабалик йилларидаёқ оғир хасталикка чалинади. Кейинчалик турли терговлар, туҳматлар, руҳий зарбалар соғлиғининг янада ёмонлашишига сабаб бўлади. “Қаҳҳорни қанд касал, Ойбекни соқов қилиб қўйганлар ҳам лаганбардорлар...”

Бир неча бор бошқа давлатларга даволанишга борган адибни ўз юртида ўлдига чиқарганлар ҳам кўп бўлган. Энг қизиғи, тириклигидаёқ таъзия изҳор этгани ҳовлисига келишган. Шу пайтларда Ойбек гапиролмай қолади. Даволаниш учун Хитойга жўнайди. Бу залда ўша сафарда ёзилган хотиралар ҳам сақланади.

Навбатдаги зал “Ойбек абадияти” деб номланган. Бу ерда адибнинг ўзбек ва рус тилларидаги кўп жилдлик асарлари нашри, шунингдек, айрим асарларининг хорижда босилган нусхалари, мукофотлари ўрин олган. Бундан ташқари, адиб сурати туширилган, мисралари битилган сопол ва чинни буюмлар, мис идишлар, Ойбекка бағишланган бадиий, илмий ва илмий-оммабоп асарлар ҳам сақланади.

Бироз ичкарироқда эса ўша машҳур ижодхона жойлашган. Мана шу хонтахта устида “Қутлуғ қон”, “Навоий” каби кўплаб асарлар дунё юзини кўрган. Мана бу лўлаболишлар қандай табаррук! Ёзишдан толган адиб уларга ёнбошлаб, шифтга термулиб, узоқ ўй сурган. Сиз ҳам бироз тин олиб, кўзларни юмиб, деворлар шивирига қулоқ тутинг-чи? Муборак мозий ҳидини туйиш учун тўйиб-тўйиб нафас олинг-чи?! Қандай маза! Яшагинг келади! Энди кўзингизни очинг, қаранг: Хасталиги зўрайган, гапиришдан, ёзишдан қолган адиб, кўзлари ва имо-ишоралар билан рафиқасига нималардир “демоқда”. Аёл ёзмоқда. “Қуёш қораймас”, “Улуғ йўл” романлари, “Нур қидириб”, “Болалик”, “Бола Алишер” қиссалари шу тариқа ёзилган. Ана сизга меҳру садоқат!

Хастамен… Фикрга, туйғуга тўлиб,
Ой менга ҳамқадам сокин юрамен.
Соғайсам бир куни ёзамен тўйиб,
Ҳисларга қалбимни қўшиб ёзамен.
Кечалар юрурмен телбадай ҳориб,
Бошимда ой борур, менга ҳамқадам.
Хаёллар учади машъалдай ёниб,
Тўйиб ёзажакмен бир кун соғайсам…

Бундай кунлар ўн етти йил давом этди. Ўн етти йил... 1968 йил 1 июлда Ойбек домла вафот этди.

Бу уй музейга айлантирилишида Зарифа Саидносированинг хизматлари катта. Шунингдек, бу манзилда олима умрининг сўнгги йилларида чизган мойбўёқ билан ишланган табиат манзаралари ҳам бор.

Айтганча, ҳайкал эсдан чиқай дебди. Ойбек домла ўзи эккан дарахтлар соясида ўйга чўмиб тургандек гўё. Менимча, қуйидаги шеърни шивирламоқда:

Нафис чайқалади бир туп наъматак
Юксакда, шамолнинг беланчагида,
Қуёшга кўтариб бир сават оқ гул,
Виқор-ла ўшшайган қоя лабида.
Нафис чайқалади бир туп наъматак
Майин рақсига ҳеч қониқмас кўнгил,
Ваҳший тошларга ҳам у берар фусун,
Сўнмайди юзида ёрқин табассум.
Яноқларни тутиб олтин бўса-чун,
Қуёшга тутади бир сават оқ гул!

Хуллас, минг марта эшитгандан, бир марта кўрган афзал. Келинг, кўринг, завқланинг, хотирланг...

Шаҳриёр ШАВКАТ
Абдуманнон МАМАТОВ олган суратлар.

ТАРМОҚЛАРДА НИМА ГАП?



“ҲУКМ СОАТИ ЕТДИ...”

ёхуд Михаил Лермонтов “Демон”и

Оламда изтироб кўп. Ҳар бирининг ўз юки-залвори бор. Изтироб ичидаги одам ҳасрат чекаётган бошқа бировга “Менинг дардим сеникидан енгилроқ”, демайди. Бахтсизлик қай йўсинда келмасин, ўз номи билан бахтсизлик. Бироқ оламда бир қайғу борки, унда замин зулмати мужассамдир. Бу – Иблис қайғуси. Мағлубиятлар ичида энг машъуми кибрнинг мағлубияти бўлса ажаб эмас. Кибр нима? Ўз бўйидан баланд юксакликни қабул қила олмаслик.

“Мен ҳаммадан аъломан”, деган дардга мубталолик. Ҳамма бало шундаки, мутакаббир Иблис одамни Ҳазрати инсонга айлантиришга қодир олий ҳисларни, шуурни, покликни биттада илғайди. Ва чертиб-чертиб топтайди. Кўп ўйлайман, одамларни ортидан эргаштиришга қодир ёки туйғуси-фикри билан ажралиб турган хосларнинг феъли-хўйи ва ҳаётидаги ноодатий қирраларни мамарайимчасига қаричлаш тўғримикан? Шундоғам уларнинг умри беомон тўлқинлар гирдобида кечади-ку. Ким билсин, аламзада Иблис уларни қурол қилиб Ҳаққа “ҳақ”лигини исботламоқчи бўлар,“Халифа деб яратганинг – одамнинг аҳволини кўр”, дея. Мангу лаънатга дучор бу қувғинди руҳ найрангларидан ҳар қанча огоҳ этилмасин, барибир унинг муқомларига алданиш, аламига гирифтор бўлиш Одам болаларининг ёзуғи экан.

Михаил Лермонтовнинг “Демон” поэмаси мутолаасига шўнғиган ўқувчи қора қайғу – Иблис қайғусининг маҳобатини идрок этади.

Не ажабки, “жаҳон дашти ичра беватан” тентираб юрган Иблиснинг кўзи тонг поклиги – Тамарага тушиб қолади?!

Ёҳу! Иблис қизни пайқади,
Ўша замон сезди ҳаяжон:
Ширин бир куй гўё биёбон –
Даштдай кўнгли ичра тарқади.

Гўзал хилқат олий даргоҳдан қувилган иблисга масъуд онларини, ким эди-ю, ким бўлиб қолганини эслатди. Ҳувиллаган кўнглига оний ҳайрат – нурни солади. “Эслаб кетиб ўтмишни, ёлғиз Бир оҳ тортиб, нафас оларди”. Ўтмишини унутмайди. Унута олмайди!

Шунда Иблис энг биринчи бор
Муҳаббатнинг дардини туйди…
Нола чекиб дили зору зор,
Ишқ ўтида ловиллаб куйди.
Қўрқиб, жилмоқ бўлди бу ердан…
Қанотини кўтаролмади!
Ажаб! Қуруқ кўзидан бирдан
Ёши оқди… Ҳеч чидолмади…
Ўша жойда ҳалига қадар
Одам ёши эмас, ўша ёш,
Ўша ўтдек ёш куйдирган тош,
Якка, қора, куйган тош ётар…

Гарчи кўзидан оққан шўр ёш тошни куйдирса-да, муҳаббат – Иблис эмас, у Тамара! Чунки муҳаббат адашар, хато қилар, гуноҳ қилар, лекин зулм қилмайди. Қилса ҳам, фақат ўзига қилади, ўзгага эмас. Муҳаббат тугаган жойда шайтон муқоми – макр бошланади.

Поэмада алам, ёлғизлик, ҳасад, ҳаддини билмас ғурур, беор, дарбадар, саркаш руҳнинг бутун драмаси Иблис изтиробида намоён бўлса, мудом шафқатга муҳтож муҳаббатнинг фожиавий моҳияти, рангу рафтори Тамара қисматида кўринади. Тамара, Соня Мармеладова, Настасья Филипповна, Каренина, Лара Антипова ва Маргарита, ҳатто жиноятчи Катя Маслованинг кўргулиги баркамолликка-софликка тоқати йўқ Иблиснинг тантанасидир! Бу малъун уларни ўзи учун заррача қимматсиз бўлган чўчқабоқар дулсенияларнинг оёғи остига ташламагунча тинчимайди. Юксакликнинг бадалини бадномлик билан тўлатади. Ахир, Пастернак Ларани табиатнинг энг тоза хилқати бўлишга муносиб аёл деб бекорга куюнмайди. Ёки Толстой ўзи яратган қаҳрамонга ўзи маҳлиё бўлиб, Аннага шафқатсиз муносабатда бўлганини тан олади. Лекин бир таскин бор. Йигирма беш ёшли йигитча идрок этган буюк бир шафқат – ҳар ҳолда, фалакда ўлчовлар бошқача бўлса керак деган хаёлга ундайди. Балки, адабиёт – ер юзида чумоли каби ғимирлаб юрган қадрсиз инсоннинг мусибатларига кўкнинг кўзи билан, илоҳий ҳамдардлик билан қарашга даъватдир.

…Фаришта гуноҳкор жон – Тамарани бағрига босганча бу дунёдан олиб кетарди. Шу он дўзахий руҳ пайдо бўлиб, азалий беорлик билан “Қиз меники! Йўқол сен!”, дейди. Бу гал осмон элчиси қатъият билан жавоб беради:

Етар шунча тантана қурдинг,
Етар шунча сен йўлдан урдинг;
Энди ҳукм соати етди,
Парвардигор қатъий амр этди!
Ўтди унга синов кунлари,
Ўтди унга азоб тунлари,
Ернинг фоний кийими билан
Зулм занжири ечилди ундан.

Нега? Нега зулм занжири ечилади? Ахир, у гуноҳ қилди-ку. Билатуриб шайтонни севди. Нега жаннатга кетар экан? Чунки “У қийналди, севди”. Неки ўтса ўзидан, жонидан ўтди. Шунинг учун жаннат эшиклари унга очиқ. Бўлди, бас! Севган кўнгилга, мазлум қалбга ҳукм ўқишга шошманг! Бу туйғунинг мудҳиш оқибатини ҳеч ким аёлнинг ўзичалик англамаган. У бекорга сўнгги нажотни фариштадан изламайди, Парвардигор элчиси бағрига талпинмайди. Бироқ аёл муҳаббати, қурбонлиги ҳам Иблисни мангу тамғадан – тавқи лаънатдан озод эта олмади. У ҳамон беадоқ саволлар исканжасида ўша кибр, ўша таъна билан замин узра тентираб юрибди.

Иқбол ҚЎШШАЕВА,
Фейсбук

ИБРАТ

ДУНЁНИ АСРАБ, ЎЗИМИЗНИ ҚУТҚАРАЙЛИК!

Мен Мўътабар Хушвақтова – экоблогер, экофаолман. “Бахт улаш!” хайрия жамоасининг ташкилотчисиман. Ушбу хайрия ташкилоти орқали кўплаб “тозалик фаришталари”, яъни ободонлаштириш фаоллари билан суҳбатда бўлганман. Уларнинг табиат билан уйғунлиги, атроф-муҳитга бўлган эътибори менда ҳам экологияга муҳаббатни кучайтирган.

Аслида экология – инсоннинг ҳаёти. Кўпчилик одамларнинг хаёлига экология деганда табиий офатлар ва умуман, табиат билан боғлиқ салбий фикрлар келади. Шу сабабли ҳам экологияга оид китобларни ўқишга, видеороликларни томоша қилишга баъзи инсонларнинг тоқати етмайди. Иложи борича бу сўздан узоқроқ юришга ҳаракат қилишади. Лекин табиатни ҳис қилиш ҳам бир санъат ҳисобланади. Одамга руҳий қувватни табиат беради. У билан уйғун яшашга интилиш керак.



ЯШИЛЛИК ҚИСҚАРМОҚДА

Статистик маълумотларга кўра, ер юзидаги 85 фоиз кислородни денгиз ва денгиз ўтлари ҳосил қилади. Бизнинг юртимизда дарахтлар асосий кислород манбасидир. Биргина инсон кун давомида “истеъмол қиладиган” кислородни ишлаб чиқариш учун 8 та дарахт керак бўлар экан. Бугун дарахтларнинг камайиб бораётганлиги эса бизни олдинда катта муаммо кутаётганлигидан дарак беради. Ҳозирги ривожланиш асрида, машина ва заводлардан чиқаётган зарарли тутунлар экологияни заҳарлаётган бир вақтда бизни дарахтлар ва ўсимликлар қутқариши мумкин. Ва ҳар бир инсон бу қанчалик муҳимлигини билиб олиши, ўзи ва авлодларининг келажаги учун ҳаракат қилиши керак.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Маматқул Ҳазратқуловнинг “Агар Тошкентда шу вақтгача экилган ҳамма дарахтлар кўкарганида ҳозир шаҳарда қадам босишга жой қолмаган бўларди”, деган сўзлари бежиз айтилмаган. Дарҳақиқат, йиллар давомида шаҳримизда жуда кўплаб дарахт кўчатлари ўтқазилган. Афсуски, натижа биз кутгандек бўлмади. Яхши ният билан ерга қадалган ниҳолларнинг ҳаммаси ҳам гуркираб ўсиб кетгани йўқ. Бунинг бир қанча сабаблари бор. Биринчидан, мақсадга эришиш учун ниҳол экилаётган ернинг унумдорлиги ва жойлашув ўрнини чуқур ўрганиш, мутахассислар билан маслаҳатлашиш керак. Иккинчидан, ёш ниҳолларнинг кўкариш эҳтимоли пастлигини ҳам назардан қочирмаслик лозим. Бир биолог олим айтган экан: “Шаҳар – истаган жойда ниҳол кўкартириладиган плантация эмас, унга тайёр кўчатларни экиш керак”. Учинчидан ва энг асосийси, экилган кўчатлар кўпинча қаровсиз қолиши натижасида қурийди. Менимча, ҳокимият вакиллари бу борада тупроқшунос, иқлимшунос, биолог олимлар билан бамаслаҳат, баҳамжиҳат ишласа натижаси ҳам яхши бўлиши мумкин.

Ёз фаслида ҳаво кескин исиб кетади ва биз жазираманинг тафтини қайтариш мақсадида ерга сув сепамиз. Сув ҳам тежалиши лозим бўлган ресурс эмасми? Биз ҳар қандай муаммога осон ечим излаймиз. Аслида узоқни кўзласак, ўсимлик ва дарахтлар биз учун энг яхши ечим бўлиши мумкин. Улар қуёш нурини ютиб, иссиқни қайтаришда катта фойда беради. Ер усти қанчалик очиқ, яъни усти бўш бўлса шунча чанг ҳосил қилади. Аксинча, ер ўсимлик ва дарахтлар билан қопланган бўлса, у иссиқ ҳавони ўзига ютади. Глобал исишнинг асосий сабабларидан бири, дарахтлар ва ўсимликларнинг камайиб бораётганлигидир.

ЗАҲАРЛИ ГАЗЛАРДАН ЯШИЛ ЭНЕРГЕТИКАГАЧА

Ҳавони ифлослантирадиган унсурлар жудаям кўп. Машина ва заводлардан тортиб, хонадон шароитидаги иссиқхоналардан чиқаётган зарарли газлар ҳам шулар жумласига киради. Улар юқорига кўтарилиб, атмосферада алоҳида қобиқни ташкил қилган (дрон камералари ва космосдан олинган тасвирларда бунга гувоҳ бўлиш мумкин), яъни бу каби заҳарли газлар нафас олиш қатламида қолади. Шу боис одамлар орасида бронхиал астма, нафас йўли касалликлари, аллергик хасталиклар сони кўпайиб кетган. Табиатни асраш ўз қўлимизда экан, аввало, электр энергиясини тежайлик, яшил ҳудудлар кўпайтирайлик, чунки дарахт ва ўсимликлар заҳарли газларни ютади, улар бизнинг табиий фильтримиз ҳисобланади. Кимёвий моддаларни ёқиб, ҳавони ифлослантиришдан ҳам имкон қадар тийилганимиз маъқул.

Қайта тикланувчи яшил энергияга ўтиш билан кўплаб муаммоларни бартараф қилиш мумкин. Ўзбекистонда 2026 йилгача энергетика соҳасининг 25 фоизини айнан мана шундай муқобил энергияга ўтказиш режалаштирилган. Бу – йилига 3 миллиард кубометр газ тежалиб, атмосферага анча кам зарарли моддалар чиқишини англатади. Қорақалпоғистон ҳудудида Марказий Осиёдаги энг йирик – бир ярим гигаватт қувватга эга шамол станцияси қурилиши режалаштирилган. Ушбу станция йилига 5,3 миллиард киловатт соат электр энергияси ишлаб чиқариб, 2 миллиондан ошиқ фуқарони электр энергияси билан таъминлайди. Бу эса, атмосферага 2,2 миллион тонна зарарли газ чиқмайди, дегани. Яшил энергетика табиат учун фойдали, фарзандлар келажаги учун муҳим қадам. Лекин бу инфратузилмани янгилаш, модернизация қилиш, тизимни унга мослаштиришни талаб қилади. Бунинг учун эса катта инвестиция керак. Ҳаттоки, дунё тажрибасида ҳам яшил энергетика фойдали, тоза, лекин қиммат манба эканлиги маълум. Бизда муқобил энергетикага ўтиш учун барча имкониятлар мавжуд, яхши ўзгаришлар учун бирлашишимиз керак, холос.

ЕРДА ҲАМ, КЎКДА ҲАМ ЙЎҚОЛМАЙДИГАН ХАТАР

Инсоният Марсда шаҳарлар қуриб, кўчиб ўтишни режалаштираётган, машиналар ҳайдовчисиз юраётган, сунъий интеллект шеър ёзиб бераётган бир вақтда чиқинди полигонларининг бўлиши бу – табиатга зўравонликдир.

Шаҳар аҳолиси орасида, хонадондан чиқинди полигонигача бўлган занжир тўғри шаклланмаган. Биз ҳам ривожланган давлатлардаги каби ноорганик ва органик чиқиндиларни алоҳида ажратиб саралаганимизда чиқинди полигонларига ҳожат қолмас эди. Улардан чиқаётган зарарли моддаларнинг атроф-муҳитга салбий таъсири ҳам камаярди. Бу каби эътиборсизлигимиз туфайли ўз саломатлигимизга ўзимиз зарар етказяпмиз.

Икки юз йилда чиришдиган елим идишларга ноорганик-органик чиқиндиларни аралаштириб соламиз ва маълум вақт ўтиб ўша пакет ичидаги зарарли сувлар ерга сингиб, сув ҳамда тупроқ таркибига қўшилади. Аҳоли ўша сувдан ичади, ана шу тупроқда ўсган мева-сабзавотларни истеъмол қилади.

3 июль – Халқаро пластик халталардан воз кечиш куни этиб белгиланган. Мен шу куни кутилмаган ишга қўл урдим. Яъни, 250 дона пластик пакетлардан ўзимга либос “тикиб”, уни шаҳар бозорларида кийиб юрдим. Чунки статистик маълумотларга кўра, ҳар бир инсон йилига 650 мингта пакет ишлатар экан. Менинг либосимдаги пластик халталар эса бир инсоннинг ўртача 3 ойда ишлатадиган пакетлар сонига тўғри келади. Бу видеоконтент орқали одамлар қанчалик кўп целлофан пакет ишлатаётганини англатмоқчи бўлдим. Ижтимоий тармоқларга жойлаган видеоконтентим кўпчиликнинг эътиборини тортди.

Пластик пакетлар бошқа чиқиндилардан фарқли ўлароқ, деярли чиримайди. Шунинг учун ҳам у сайёрани заҳарловчи унсурлардан бири ҳисобланади. Уларни ёқиш мумкин эмас, чунки ёқилганда углерод оксиди ва зарарли концерогенлар атмосферага кўтарилади. Ерга кўмиш ҳам оқилона ечим эмас. Шундай экан, дўконга кирганда ортиқча пакет ишлатмай, кўп марталик экосумкалардан фойдаланишга ҳаракат қилишимиз лозим. Бу – бизнинг ва келажак авлоднинг саломатлиги учун жуда муҳим.

ЭКОТАРБИЯНИНГ ВАҚТИ КЕЛДИ

Кўпчилик ота-оналар фарзандини табиатга нисбатан лоқайд инсонлар сифатида улғайтиради. Дайди кучук ёки мушукка овқат бериш истагида бўлган болани “касал юқтирасан”, “қўлинг кир бўлади, ушлама”, деб қайтарамиз. Дарахт шохини синдираётган, боғда чиройли очилиб турган гулни топтаётган, оёқ остидаги ҳашаротларни эзғилаётган гўдакка тўғри ўгит бермаслик ҳам кечирилмас хатодир. Бугун сиз фарзандингизга табиатни асрашни ўргатмасангиз, келажакда у ҳам шундай йўл тутади. Болалар ўйингоҳида бир болакай капалакни кафтлари орасида ғижимлаб атрофдагиларга мақтаниб юрганига кўзим тушди. Шу яқинда ўтирган аёллар ва унинг онаси бу ҳолатга умуман эътибор қаратишмаётган эди.

Ичимда бир нима узилгандек бўлди... Воқеадан таъсирланиб ижтимоий тармоқлардаги саҳифамга капалакнинг расмини жойладим ва остига “Ҳар бир тирик жон биз учун муҳим” деб ёзиб қўйдим. Суратга ёзилган изоҳлар орасида “Капалакнинг одамзодга фойдаси йўқ-ку, бекордан-бекорга атиги бир кун яшамаса керак” деган гапни кўриб янада хафа бўлдим. Нега биз фақат табиатдан фойда излаймиз? Бизга тухум, сут, гўшт бераётган жониворларни парвариш қиламизу, қолганларини бефойда санаб, уларга эътибор бермаймиз. Ахир, ҳар бир тирик жон табиатнинг бир парчаси эмасми!

Болалар орасида экомаданият, экотарбияни шакллантиришимиз лозим. Бугуннинг одамларига экомуаммолар қизиқ эмаслигининг сабаби ҳам уларнинг болалигида бу борада бошланғич тарбия бўлмагани билан боғлиқ. Биз келажак авлодимизга ҳам буни раво кўрмаслигимиз керак. Ақлини таниётган фарзандларимизга ҳеч бўлмаса дарахт экишни, хона гулларини парваришлашни, электр энергиясини тежашни ўргатсак, ўзимиз ҳам шунга эътиборли бўлсак, табиатга озгина бўлса-да фойда келтирган бўламиз. Келажак авлодга фақат моддий бойликларнигина эмас, тоза ҳаво, яшил ҳудудларни мерос қолдирайлик!

Васила ҲАБИБУЛЛАЕВА
ёзиб олди.

ТИЛБИЛИМ

“БАРСЕТКА”нинг ўзбекчаси нима?



Барсетка тутаман. Қулай идиш. Ичига талай нарсани сиғдирса бўлади. Ҳужжат-пужжат, пул-мулдан ташқари, калит-палит, флешка, ҳатто кичикроқ телефонни ҳам жойласа бўлади. Аслида бу сўз италян тилидан тарқалган бўлиб сумкача маъносини билдиради. Лекин бу матоҳни ўзбек тилида қандай атасак бўларкин деб ўйлаб юраман. Ҳамён десак, ҳамёнда фақат пул сақланади. Қопчиқ десак, кичикроқ бўлиши керак. Яқинда Абдулла Қодирийни мутолаа қила туриб, хилондон деган сўзга дуч келдим.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”ни варақласам, хайрият, унда ҳам бу сўз бор экан. Изоҳи ушмундоқ: *“ХИЛОНДОН. эск. Ичига соқолтароқ, қайирма пичоқ, тишковлагич каби буюмлар солиб, белбоққа осиб юриладиган чармдан ясалган кичик сумка.*

“Қўлида ўша ўзинг кўрган хилондони, оёғида нағмалик этик.”

Абдулла Қодирий. “Кичик асарлар”.

Хуллас, хилондон “барсетка”нинг ўзгинаси экан-да. Лекин ҳозирча бу сўзнинг қандай пайдо бўлгани ва илдизи ҳақида бирор маълумотни тополмадим.

Эшқобил ШУКУР

Jadid
adabiy, ilmiy-ma’rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМОАТ ФОНДИ

“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ” ЖАМОАТ ФОНДИ

Бош муҳаррир:
Иқбол Мирзо

Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари:
Ҳумоюн Акбаров

Масъул котиб:
Шуҳрат Азизов

Навбатчи муҳаррир:
Муяссар Иброҳимова

Саҳифаловчилар:
Эркин Ёдгоров
Нигора Тошева

Таҳририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 195115 рақам билан рўйхатга олинган.

Кирилл ёзувидаги адади – 5 812
Лотин ёзувидаги адади – 11 905
Медиа кузатувчилар – 19 021
Буюртма: Г – 1039
Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.
Нашр кўрсаткичи – 222.
Ташкилотлар учун – 223.
1 2 3 4 5 6



Манзилимиз:
Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани,
Навоий кўчаси, 69-уй

Телефонлар:
Қабулхона: (71) 203-24-20
Девонхона: (97) 745-03-69
jadidgzt@mail.ru (71) 203-24-17
Jadid_gazetasi@exat.uz

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00
Босишга топширилди: 19:30
Сотувда нархи эркин.

jadid-media.uz